



18  
(1440)-son  
5-iyun  
2020

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ИНТЕРНЕТ

Ўзбекистонда пандемия вақтида интернет тезлиги ошди **2-бет**

### ПОЧТА

Тупроққалъа туманида Питнак почта алоқа боғламаси очилди **4-бет**

### IT PARK

Ведутся активные работы по открытию филиалов IT Park в Сырдарье и Джизаке **6-бет**

### АНС-САДО

Матбуот майдонида нучлилар қолади **8-9-бетлар**

### АХЛОҚ, АДАБ, ОДАМ

Боқимандами ёки текинтомоқ? **10-бет**

### КОРОНАВИРУС

COVID-19 глобал смартфон савдосига қанчалик таъсир қилгани аниқланди **12-бет**

### ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АҚШда зўравонликлар: Европа нега сукутда? **13-бет**

## СИРДАРЁДА НАВБАТДАГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ



**А**хборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда республика миқёсида Ахборот технологиялари ўқув марказларини ташкил этишни давом эттирмоқда.

Қайд этилишича, бу ишлар Президент томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг 3-йўналиши — Аҳоли ва ёшларнинг компьютер технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни ахборот технологиялари соҳасидаги тадбиркорликка жалб қилиш доирасида амалга оширилмоқда.

2

## ЮЗНИ АВТОМАТИК ТАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Видеокузатув тизимларида юзни таниш технологияси **98** мамлакатда қўлланмоқда.

**12** мамлакатда маъқулланган, лекин жорий этилмаган,  
**13** мамлакатда жорий этиш муҳокама қилинмоқда.

**68** мамлакатда қўлланмаёпти (аниқроғи, маълумот йўқ).



## ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

### МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ: ИСПАНИЯ ТАЖРИБАСИНИНГ СИРИ НИМАДА?

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳозирги вақтда деярли барча соҳаларга, шу жумладан, таълим соҳасига ҳам кириб борди. Натижада, бугунги кунда таълимнинг кейинги ривожига бу технологиялар бевосита ўз таъсирини кўрсатмоқда. Таълим жараёнида бу технологияларнинг қўлланилиши ҳам ўқувчига, ҳам ўқитувчига қулай имкониятларни яратмоқда.

Ушбу қулайликлар Ўзбекистонда ҳам жорий этилаётганлиги бир қатор тизимли муаммолар ўз-ўзидан ечилишига сабаб бўляпти. Масофавий таълим ўзининг куйидаги имкониятлари сабабли ҳам иқтисодий, ҳам ташкилий жиҳатдан таълим иштирокчиларига қулайлик туғдиради. Хусусан, масофавий таълимда таълим иштирокчиларидан одатдаги харажатлар ўрнини ушбу харажатлардан бир мунча кам талаб этадиган ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ харажатлар эгаллайди, таълим сифати ҳам ўз таъсирини кўрсатади, тарафларнинг вақти тежалди. Энг муҳими, бу туфайли республикадаги олий маълумотли ёки бошқа маълумотга эга бўлган кадрлар сони бир мунча ошади, таълим иштирокчилари ўртасида бўлиши мумкин бўлган коррупциявий ва бюрократик тўсиқлар ўз-ўзидан йўқолади.



5

## 2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan  
Jumagacha

► Президент Шавкат Мирзиёев рақобат муҳитини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш, монопол товарлар рўйхатини кескин қисқартиришга қаратилган "йўл харитаси" тасдиқлаш вазифаси белгиланди.

Барча раҳбарларни рақобат асослари ва комплаенс бўйича ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг бўй-ча топшириқлар берилди.

► Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида 29 май куни пойтахтимизнинг Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманига борди.

Сафар чоғида кўп қаватли уйлар, саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасаларини кўздан кечирди, фаоллар билан мулоқот қилди.

► Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари телефон орқали мулоқот қилдилар.

Давлат раҳбарлари "Чашма" чегараолди ҳудудида рўй берган ҳодиса билан боғлиқ масалаларни батафсил кўриб чиқиб, бундай вазият бошқа такрорланмаслиги учун мукамил чоралар қабул қилиш муҳим эканини таъкидладилар.

Ҳукумат делегациялари ўтказган музокараларнинг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

► Президент Шавкат Мирзиёев статистика соҳасини такомиллаштириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Тармоқлар статистикасини тўлиқ шакллантириш, ягона халқаро статистика тизими билан уйғунлаштириш масалалари муҳофиза қилинди.

Қонунни ва Статистика кенгаши фаолиятини такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда дастурий таъминотни янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳолини рўйхатга олишга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш кераклиги таъкидланди.

► Камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жорий йил 1 октябргача тирриклилик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида иш ўринлари яратиш чоралари белгиланди.

Йил якунигача қўшимча 235 мингдан зиёд оилага моддий ёрдам ажратилиши қайд этилди.

# СИРДАРЁДА НАВБАТДАГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ



► 1

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни доирасида Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманида навбатдаги Ах-

борот технологиялари ўқув маркази санитария-эпидемиология талабларига риоя этилган ҳолда очилди.

Марказда кўркам ва шинам хоналар ташкиллаштирилган, замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланди. Ўқув марказида ёшларимизга ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника, киберспорт асослари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик йўналишида курслар ташкил этилади. Фарзандлари-мизни уч ёш туркумида, яъни

9-15, 16-19 ҳамда 20-25 ёшда, босқичма-босқич ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида илғор мутахассислар сифатида тайёрлаш мақсад қилиб белгиланган.

Қолаверса, марказда ёшларни компьютер спортга (киберспортга) жалб қилиш, киберспорт қоидаларини ўргатиш, турли уйинлар бўйича гуруҳларни шакллантириш, жамоавий уйинлар амалиётини ташкил этиш, республика миқёсида мусобақалар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

## РЕЙТИНГ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ПАНДЕМИЯ ВАҚТИДА ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ ОШДИ

Ookla компаниясининг Speedtest.net сервиси 2020 йил 1 июн ҳолатига жаҳонда кузатилаётган пандемиянинг глобал интернет тезлигига таъсирини эълон қилди. Бунинг натижаларга кўра, Ўзбекистонда симли интернет тезлиги 6 фоизга (Fixed Speed Change), мобил интернет тезлиги эса 18 фоизга (Mobile Speed Change) кўтарилган.

Жаҳон миқёсида COVID-19 пандемияси шароитида интернетнинг ўртача тезлиги 1 фоизга (Fixed Speed Change), мобил интернет тезлиги 7 фоизга ўсган (Mobile Speed Change).

Таъкидланишича, охириги йилда интернет тезлиги бўйича ижобий ўзгаришлар амалга оширилган. Жумладан, 2020 йил апрел ҳолатига интернет тезлиги бўйича рейтингда Ўзбекистон 94-погонани эгаллаган. Яъни, бир йил давомида 37 поғонага кўтарилиб, 131-ўриндан 94-поғонага чиққан.

Ўзбекистонда охириги йил натижаларига кўра, интернет тезлиги қарийб 2,3 баробарга ўсган.

Бундан ташқари, охириги ой натижаларига кўра, мобил интернет тезлиги ҳам ўсмоқда: биргина 2020 йил апрел ойи ҳолатига мобил интернет тезлиги 9,68 Мбит/с. ташкил қилган бўлса, бир ой ичида мазкур курсаткич 11,92 Мбит/с.га ўсди.

## ОНЛАЙН ТАДБИР

### КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ҚИЗИҚАРЛИ ЎТМОҚДА

ТАТУ Урганч филиалида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида "Рақамли иқтисодиёт шароитида дастурий таъминотни ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги онлайн илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.

Мазкур нуфузли онлайн анжумани ТАТУ Урганч филиали директори Мақсуд Байджанов очиб берди. Йиғилишда филиалнинг "Дастурий инжиниринг" кафедраси доценти Ф.Юсупов карантин даврида олиб борилган ишлар юзасидан маълумот берди. Бундан ташқари, "Ахборот технологиялари" кафедраси доценти Ю.Палванов ва О.Ҳужаевлар "Синфларга ажратиш масаласини ечишда самарали усулни танлаш алгоритми ҳамда компонентлар асосида дастурий таъминотлар яратиш ва моделлаштириш" (Model-Driven and Component-oriented Software Development) шўъбаси йиғилиши тўғрисидаги янгиликлар билан таништирди.

Шунингдек, конференцияда "Ўзбек тили учун электрон таржимон алгоритмларини ишлаб чиқишда семантик гипертурмоқнинг онтологиясини шакллантириш", "MVC архитектура-сини ёрдамида олий таълим муассасалари ахборот тизимини яратиш", "Ақлли шаҳарни ривожлантиришда интеллектуал транспорт тизимларидан фойдаланиш" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Йиғилиш якунида соҳа мутахассислари ёш олимларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Гулноза РАМАНОВА,  
ТАТУ Урганч филиали  
матбуот хизмати котиби

# ЎЗБЕКИСТОНДА КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИНИ ТАЛАБЛАРИ ЮМШАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг ахбороти эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан берилган кўрсатмаларга биноан Республика махсус комиссиясининг қарори билан карантин талабларини янада юмшатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2020 йил 5 июндан бошлаб куйидагиларга руҳат берилди:

#### а) "сарик" ҳудудларда:

● меҳмонхоналар, санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар, бошқа дам олиш масканлари ва жойлаштириш воситалари фаолиятига (хостеллар бундан мустасно);

● уй меҳмонхоналари ва солиқ органларида рўйхатдан ўтган дала ҳовлилар (дачалар) фаолиятига (фақат оилавий меҳмонларга хизмат кўрсатиш учун);

● меҳмонхоналар, санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар, бошқа дам олиш масканларида жойлашган ҳамда очик ҳавода хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш объектлари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона) фаолиятига;

#### б) "яшил" ҳудудларда "сарик" ҳудудларга қўшимча равишда:

● индивидуал шугулланиш учун тренажер заллари ва бассейнлар фаолиятига.

Бунда тренажер заллари ва бассейнлар объектларининг доимий равишда дезинфекция қилиниши, уларнинг кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик воситалар ва дезинфекцион "тўшак"лар билан жиҳозлаш, ходимларнинг тиббий ниқоб ва тиббий кўлқоплардан фойдаланиши, ижтимоий масофани сақлаши, шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тана ҳароратини ўлчаб, 37 °C ва ундан юқори бўлган, инфекция аломатлари мавжуд бўлган ҳолатда ҳамда тиббий ниқобда бўлмаган ҳолларда киритмаслик чораларини кўриш, ижтимоий масофани таъминлаш имконияти бўлмаган жамоавий спорт турларини ўтказмаслик талаб этилади;

● маданият объектлари (театрлар) фаолиятига, индивидуал ва жамоавий репетициялар ўтказиш шарт билан (30 кишидан кўп бўлмаган), томошабинлар руҳат бериш буюрувчиларга руҳат ташриф ҳолда, спектаклларни онлайн режимда ёки телевидение орқали трансляция қилиш йўли билан;

● таълим марказлари, тўғрақлар (10 кишидан кўп бўлмаган гуруҳ ташкил этиб, вақтини олдиндан келишган ҳолда) фаолиятига.

Бунда ходимлар ва болаларнинг соғлиғи ҳолатини доимий назорат қилиш (тана ҳароратини мунтазам ўлчаб бориш), инфекция аломатлари мавжуд бўлган ходимлар ва болаларни машғулотлардан четлатиш, шунингдек, санитария-гигиена ва дезинфекция талабларига қатъий риоя этиш талаб этилади;

● диний ташкилотлар фаолиятига. (8 июндан.)

Бунда диний ташкилотлар биноларининг доимий равишда дезинфекция қилиниши, уларга кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик воситалар ва дезинфекцион "тўшак"лар билан жиҳозлаш, ходимларнинг тиббий ниқоб ва тиббий кўлқоплардан фойдаланиши, ижтимоий масофани сақлаши, шу жумладан, намоз вақтида фуқароларнинг оралиқ масофасини 1,5 метр этиб белгилаш (махсус чизиклар ёрдамида катакларга ажратган ҳолда), шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тана ҳароратини ўлчаб, 37 °C ва ундан юқори бўлган, инфекция аломатлари мавжуд бўлган ҳолатда ҳамда тиббий ниқобда бўлмаган ҳолларда киритмаслик чораларини кўриш, жамоавий диний маросимлар (жума намози ва бошқалар)ни ўтказмаслик талаб этилади.

#### в) буюм бозорлари фаолиятига:

● мақтабгача таълим ташкилотларида машғулотларни 15 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳларда ташкил этиш;

● мақтабгача таълим ташкилотлари биноларини доимий равишда дезинфекция қилиш, уларга кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик воситалар ва дезинфекцион "тўшак"лар билан жиҳозлаш;

● ходимлар тиббий ниқоб ва тиббий кўлқоплардан фойдаланиши ва ижтимоий масофани сақлаши;

● тана ҳарорати 37 °C ва ундан юқори бўлган ёки инфекция аломатлари мавжуд бўлган ҳолатда ҳамда тиббий ниқобда бўлмаган ҳолларда киритмаслик чораларини кўриш талаб этилади;

#### г) ҳудудлар ўртасидаги автоташкилотлари фаолиятига:

● ҳар бир миқоздан кейин стол ва бошқа жиҳозларнинг юза қисмини дезинфекцион воситалар билан тозалаш;

● мақтабгача таълим ташкилотларида машғулотларни 15 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳларда ташкил этиш;

● мақтабгача таълим ташкилотлари биноларини доимий равишда дезинфекция қилиш, уларга кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик воситалар ва дезинфекцион "тўшак"лар билан жиҳозлаш;

● ходимлар тиббий ниқоб ва тиббий кўлқопда бўлиши;



● ҳар бир миқоздан кейин стол ва бошқа жиҳозларнинг юза қисмини дезинфекцион воситалар билан тозалаш;

#### б) хусусий мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятига:

● мақтабгача таълим ташкилотларида машғулотларни 15 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳларда ташкил этиш;

● мақтабгача таълим ташкилотлари биноларини доимий равишда дезинфекция қилиш, уларга кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик воситалар ва дезинфекцион "тўшак"лар билан жиҳозлаш;

● ходимлар тиббий ниқоб ва тиббий кўлқоплардан фойдаланиши ва ижтимоий масофани сақлаши;

● тана ҳарорати 37 °C ва ундан юқори бўлган ёки инфекция аломатлари мавжуд бўлган ҳолатда ҳамда тиббий ниқобда бўлмаган ҳолларда киритмаслик чораларини кўриш талаб этилади;

#### в) буюм бозорлари фаолиятига:

Бунда буюм бозорлари доимий равишда дезинфекция қилиниши, уларнинг кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик воситалар ва дезинфекцион "тўшак"лар билан жиҳозлаши, сотувчилар ва харидорлар тиббий ниқоб ва тиббий кўлқоплардан фойдаланиши, ижтимоий масофани сақлаши, шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тана ҳароратини ўлчаб, 37 °C ва ундан юқори бўлган, инфекция аломатлари мавжуд бўлган ҳолатда ҳамда тиббий ниқобда бўлмаган ҳолларда буюм бозорлари ҳудудига киритмаслик чораларини кўриш талаб этилади;

● жамоат жойлари ва тадбиркорлик фаолияти объектларида ижтимоий масофа (2 метр)ни сақлаш, уч кишидан ортиқ йиғилмаслик, фуқароларнинг тиббий ниқобдан ҳамда антисептик воситаларидан фойдаланиши;

● таълим ташкилотлари (мактаб, лицей, коллеж, техникум, институт, университет ва бошқалар) фаолиятини йўлга қўймаслик;

● кўнгилочар объектлар – тунги клублар, дискотека, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальан) ва компьютер ўйинлари марказлари фаолиятига йўлга қўймаслик;

● концерт, кинотеатр ва спорт тадбирларини (професси-

#### г) ҳудудлар ўртасидаги автоташкилотлари фаолияти:

Бунда ташувчилар фаолияти куйидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади:

● транспорт воситасини яқиний йўналиш нуқтасида дезинфекция қилиш;

● автобус салонига фақатгина тиббий ниқоблардаги йўловчиларни киритиш;

● ҳайдовчиларни тиббий кўлқоп ва тиббий ниқоблар билан таъминлаш ҳамда уларнинг мунтазам равишда ўз вақтида алмаштириб борилиши чораларини кўриш.

Карантин даврида мuddати тугайдиган тиббиёт ва фармацевтика ходимларига тегишли малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатларнинг амал қилиш мuddати 2020 йил 1 октябрга қадар узайтирилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, барча ҳудудларда уларнинг тоифасидан қатъи назар куйидаги карантин талаблари сақлаб қолинмоқда:

● жамоат жойлари ва тадбиркорлик фаолияти объектларида ижтимоий масофа (2 метр)ни сақлаш, уч кишидан ортиқ йиғилмаслик, фуқароларнинг тиббий ниқобдан ҳамда антисептик воситаларидан фойдаланиши;

● таълим ташкилотлари (мактаб, лицей, коллеж, техникум, институт, университет ва бошқалар) фаолиятини йўлга қўймаслик;

● кўнгилочар объектлар – тунги клублар, дискотека, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальан) ва компьютер ўйинлари марказлари фаолиятига йўлга қўймаслик;

● концерт, кинотеатр ва спорт тадбирларини (професси-

онал футбол клублари ўқув машғулоти ва Ўзбекистон профессионал футбол лигаси чемпионатлари бундан мустасно) ўтказмаслик;

● жамоат транспорти ҳаракатига руҳат бермаслик;

● деҳқон, қурилиш бозорлари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат савдо нуқталари (супермаркет ва бошқа йирик дўконлар) кириш-чиқиш жойларини пирометрлар ва антисептик воситалар билан жиҳозлаш ҳамда ҳар бир фуқаронинг тана ҳароратини ўлчаб, 37 °C ва ундан юқори бўлган ҳолатда, ушбу мажмуаларга киритмаслик чораларини кўриш;

● барча ташкилотлар кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик воситалар ва дезинфекцион "тўшак"лар билан таъминлаш ҳамда ходимлар томонидан ижтимоий масофа (2 метр)ни сақлаган ҳолда фаолият юритишини таъминлаш;

● қурилиш-таъмирлаш ишларида объектларнинг ҳудуди тўлиқ карантинга олиниши ва ҳудудий санитария-эпидемиология осойишталик марказлари билан биргаликда объектларда санитария-гигиена тадбирларининг амалга оширилиб борилиши. Бунда, ушбу ташкилотларнинг фаолият олиб бориш даврида санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, ўз фаолиятини фақатгина тегишли объект ҳудуди доирасида ташкил этиш.

● "Қизил" тоифага кирувчи ҳудудларда карантин чекловлари талабларини бажармаслик, шунингдек, "яшил" ва "сарик" тоифага кирувчи ҳудудларда руҳат берилган фаолият турларини ўрнатилган махсус талабларга риоя этмаган ҳолда амалга ошириш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — КОРРУПЦИЯ КУШАНДАСИ

“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия ташаббуси билан Жамият ижроия аппарати ва филиаллари мутасадди ходимлари иштирокида соҳада коррупцияга қарши курашиш бўйича “Рақамли технологиялар — коррупция кушандаси” мавзусида видеоконференция бўлиб ўтди.



Таъкидланганидек, Ўзбекистонда коррупциянинг олдини

олиш, фош этиш ва унга қарши курашиш борасида ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилиб, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилган.

Хусусан, 2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни кучга киргани, Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbirlari тўғрисида”ги фармони бу борадаги муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжат коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини оширишга қаратилган. Фармонда коррупцияга қарши курашиш

соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланган.

Видеоконференция давомида давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, почта тизими фаолияти шаффофлигини таъминлаш, почта хизматларини кўрсатиш жараёнида инсон омили таъсирини камайитириш учун соҳага кўпроқ рақамли технологияларни жорий этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

### ТУПРОҚҚАЛЪ ТУМАНИДА ПИТНАК ПОЧТА АЛОҚАСИ БОҒЛАМАСИ ОЧИЛДИ

Шу йилнинг март ойида Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа тумани ташкил этилганди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ зарур ижтимоий-иқтисодий тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган бўлиб, унда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар турларини кўпайтириш масаласига алоҳида урғу берилган.

Шуларни инобатга олган ҳолда, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Тупроққалъа туманининг маъмурий маркази бўлган Питнак шаҳрида 2020 йилнинг 1 июнидан почта алоқаси боғламаси фаолиятини йўлга қўйди.

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланиш жараёнида миқдорларга қулайликлар яратиш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва унинг Хоразм филиали амалиётга жорий этиладиган барча хизмат турларини меъёрий ҳужжатлар талабларини асосида аҳоли ва корхоналарга тақдим қилиш ҳамда бошқа масалалар юзасидан кўпгина ишларни амалга оширди.

Кўрсатиладиган хизматларни тезлиги ва самарадорлигини бугунги кун талаби асосида сифатли амалга ошириш мақсадида почта алоқаси объекти компютерлаштирилди ва бошқа ахборот технологиялари жорий этилди. Натижада аҳоли, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлардан қабул қилинаётган барча турдаги тўловлар, рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини қабул қилишдан тортиб, уни олувчига етказиб беришга бўлган жараёнлар дастурий таъминот орқали ташкил-лаштирилади ва назорат қилиб борилади.

### ТАШАББУС

## АКТ ЙўНАЛИШИДА ВИДЕОДАРСЛИКЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги зиммасига Ёшлар таълими ва аёллар бандлиги бўйича “Беш ташаббус” лойиҳаси доирасида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича, шу жумладан, электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарсликлар, видеодарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган тажриба тари-

қасида ахборот тизимларини қоғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этиш вазифаси юклатилган.

Ушбу ташаббус доирасида видеодарсликлар ишлаб чиқилди. Ёшларни масофадан туриб АКТ йўналишида таълим олишлари учун 80та (робототехника, дастурлаш асослари, компютер графикаси ва мобил иловалар яратиш бўйича) онлайн видеодарсликлар тайёрланиб, интернет тармоғига (utube.uz, mover.uz) жойлаштирилди.

Шунингдек, электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонаси учун АКТ вазирлиги сервер ва интернет хизматларини бепул таъминлади. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом этмоқда.



қасида ахборот тизимларини қоғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этиш вазифаси юклатилган.

### ОНЛАЙН ҚАБУЛ

## АБИТУРИЕНТЛАРДАН ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Олий таълим муассасаларига кириш учун абитуриентлар 15 июндан 15 июлгача ҳужжат топшириши мумкин.

Ҳужжатлар кечаю кундуз 24 соат давомида ФАҚАТ 2 УСУЛДА онлайн қабул қилинади:

- ДТМ сайти орқали
- my.gov.uz портали орқали

Бунда абитуриентларга уйдан чиқмаган ҳолда мобил телефон (компютер) ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтиш имконияти яратилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: (аввалги йиллардаги битирувчилар учун)

- паспорт;
- диплом;
- тил билиши сертификати;

• имтиёзи мавжуд бўлганда, имтиёз-ни тасдиқловчи ҳужжатлар.

(жорий йил битирувчилари учун)

• паспорт;

• битирув аттестати (қабул қилувчилар томонидан базадан электрон тарзда олинади).

Олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичлари таълим йўналишлари ва ўқитиш тили кесимида ДТМ ҳамда муайян олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Шунингдек, жорий йилда истисно равишда учта мажбурий фанлардан (она тили, Ўзбекистон тарихи ва математика) тест бўлмайди.

Фақат иккита мутахассислик фанидан тест олинади.





**Масофавий таълим:**

# ИСПАНИЯ ТАЖРИБАСИНИНГ СИРИ НИМАДА?



Айнан мана шу сабаблар туфайли ҳам республикамизда аста-секинлик билан масофавий ўқитишнинг замонавий усуллари қўлланомида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги 5847 ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2020 йил 2 мартдаги 5953-фармонларига мувофиқ бир қатор, шу жумладан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилган бўлса, бугунги кунда бир қатор мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим муассасаларида масофавий ўқитиш шакллари жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда масофавий таълим шакли жорий этиш борасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг иштирокида ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан, халқаро тан олинган илғор IT-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш, маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича, шу жумладан, электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарслиқлар, видеодарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган тажриба тариқасида ахборот тизимларини қоғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этилади. Маълумотлар ҳақидаги фан, улкан маълумотлар, сунъий интеллект каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган

ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида эса ўқув ва илмий адабиётларнинг 90 фоизи 2030 йилга қадар электрон шаклга ўтказилади, барча олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини бошқаришнинг ахборот тизими жорий этилади, ўқитишда рақамли технологиялар, шу жумладан, “E-MINBAR” электрон платформаси, онлайн, вебинар технологиялар олий таълим муассасаларида 100 фоиз жорий этилади.

Таълим тизимимизда ахборот-коммуникация технологияларининг кириб бориши ижобий бир ҳолатдир, аммо ушбу тизимга масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш вақтида таълимнинг бошқа соҳаларга қараганда давлатларнинг кейинги ривожига бевосита таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, босқичма-босқич масофавий таълим шаклига ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бунда халқаро тажриба сифатида Испания давлатининг тажрибасидан унумли фойдаланишимиз мумкин. Хусусан, Испанияда масофавий таълим шакллари олий таълим тизимига босқичма-босқич ўтилишида сиртки, кечки ва кундузги таълим шакллари олий таълим тизимига оид босқичларида, шунингдек, онлайн ёки масофавий ўқитишдан алоҳида босқичда тўлиқ масофавий ўқитиш шакли жорий этилган. Масофавий ўқитишнинг техник имкониятлари Испаниядаги университетлар таркибидagi махсус техник имкониятларга эга бўлган марказлар томонидан амалга оширилади, энг қувонарли жиҳати, махсус портал орқали масофавий таълим олиш вақтида ўқувчи ёки талабага ўқиш тилини танлаш ҳуқуқи ҳам берилган бўлиб, улар ўз хоҳишига кўра, испан тили, инглиз тили ёки иккала тилни ҳам танлаш орқали иккита тилга иxtисослашган ўқув шаклида ўқиш имкониятига эга. Бундан ташқари, у ерда қайси фанлардан масофавий ўқиш имкониятига эга бўлиш мумкинлиги аниқлаштирилган бўлиб, унга кўра, туризм, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, бизнес, маъмурий, дизайн, маркетинг, рақамли коммуникация технологиялари, сиёсатшунослик, руҳшунослик, тарих, информатика, коммуникация, саноат, астрономия, астрофизика, журналистика каби фанлардан масофавий ўқиш мумкин ва бу фанлар тури ҳар йили кенгайиб боради. Айнан мана шу тизимнинг кенг қўлланилиши натижасида бугунги кунда Испанияда давлат мактаблари деярли қолмаган ва ҳамма ота-оналар фарзандларини хусусий мактабларга беришади, талабалар ҳам кўпроқ нодавлат олий таълим муассасаларида ўқишга ҳаракат қиладилар,

бу тизим натижасида олий таълимга ўқишга кириш жуда соддалаштирилган, энг муҳими, биринчи тилни билсангиз бўлди, қолганини ўқиш жараёнида ўзлаштиришингиз мумкин, имтиҳонлар ҳам содда усулларда ўтказилади. Ҳар йили Олий таълим вазирлиги етакчилигида қайси фанлардан масофавий ўқитилиши бўйича фанлар тармоғи, уни масофавий тартибда ўқиши учун бутун бир платформа, унинг ичида барча техник имониятлар яратилиши ва фанлар содда тилда ўқувчиларга тушунтирилиши бўйича дастур тайёрланади ва дастур ижроси тўлиқ амалга оширилади.

Мисол учун, бу борада олиб борилган ишларни янада ривожлантириш мақсадида 2006 йили бу давлатда алоҳида қонун билан Мадрид масофавий ўқитиш университети ташкил этилган. Испаниядаги Мадрид университети масофадан ўқитиш очик, мослашувчан, инновацион университет бўлиб, ўқишга индивидуал ёндашилган. Талабалар ўқув муассасасининг синфида жисмоний равишда бўлишлари шарт эмас, уларнинг машғулотлари уйда, ишда ёки интернетга уланishi мумкин бўлган бошқа жойда ўтказилади. Ўқиш вақти ёки манбаларга киришда ҳеч қандай чекловлар йўқ. Онлайн университет кунига 24 соат ва йилига 365 кун ишлайди ва ҳар бир талабага ўқиш учун қўлай вақтни танлаш имкониятини беради. У мавжуд ва бепул дастурлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратади, ушбу педагогик ва техник ютуқлар устоз ва талаба ўртасидаги доимий алоқани амалга ошириш, ўқув жараёнини соддалаштириш ва оптималлаштириш ҳамда таълим концепциясини бутунлай ўзгартириб, онлайн университетни инсонийлаштиришга имкон бериши. Бу давлатдаги яна бир ютуқ шуки, мактабгача таълимдан бошлаб олий таълим ва ундан кейинги таълимда ҳам масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари мавжудлиги, уларнинг тизимлилик асосда шакллантирилганлиги, нострификация қилиш тизими соддалаштирилганлиги сабабли масофавий таълим ўқувчиси ҳам иш топишга қийналмайди, ҳам вақти ва ортиқча харажатлари тежаланиши, ҳам ўтилаётган фанларни тўғри ва осон ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Хозирги кунда юқорида назарда тутилган муаммоларни ҳал қилиш ва барча соҳани, шу жумладан, таълим соҳасини ҳам рақамлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2020 йил 2 мартдаги 5953-фармони билан рес-

публикамизда давлат органлари, идоралар, барча корхона ва ташкилотларга “рақамли иқтисодиёт”, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларни хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори таълимнинг минимал даражаси ва касб бўйича малакавий разрядлар қисмига амал қилмаган ҳолда ишга жалб қилишга рухсат берилди.

Тўғри, биргина мазкур ислоҳот билан соҳадаги муаммоларнинг тўлиқ ечимини топиш имконсиз, масаланинг юридик ечимини топишда Испаниянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш тақлиф қилинади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги 464-сонли қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали уни янги таҳрирда қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги 5505-фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси талабларига сўзсиз риоя қилган ҳолда, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш мақсадида янги таҳрирдаги қонунда таълимга оид барча нормалар кўриб ўтилиши, масофавий таълимни жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий тартиби, таълимни олиб боришни соддалаштириш, сиртки таълимда тўлиқ, кечки ва кундузги таълимнинг маъруза билан боғлиқ қисмида дастлаб, кейинчалик босқичма-босқич барча таълим тизимида ва шаклида масофавий ўқиш шакли жорий этилиши, бу бўйича ягона амалиёт йўлга қўйилиши, масофавий ўқитишнинг шаклини жорий этишдаги техник имкониятлар тўлиқ йўлга қўйилиши, устоз ва талаба тўғридан-тўғри онлайн тартибда мулоқот қилиш, таълим бериш имкониятлари яратилиши мақсадга мувофиқ.

Масофавий таълимнинг тўғри ва ўз ўрнида қўлланилиши натижасида нафақат кадрлар салоҳияти юксалади, балки уларнинг ўз вақти ва харажатлари тежаланиши натижасида, аҳолининг ўз вақтларини тўғри тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш имконияти яратилади.

**Солиҳа АНОРБОЕВА,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мустақил изланувчиси,  
Амиридан АНОРБОЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юридик бўлим бош юрисконсулти,  
Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти мустақил изланувчиси

## 6 IT PARK

## ВЕДУТСЯ АКТИВНЫЕ РАБОТЫ ПО ОТКРЫТИЮ ФИЛИАЛОВ IT PARK В СЫРДАРЬЕ И ДЖИЗАКЕ

28 мая 2020 года в Сырдарье и Джизаке состоялись встречи делегации IT Park с хокимом Джизакской области Эргашем Солиевым и замхокима Сырдарьинской области по молодежной политике, социальному развитию и духовно-просветительской работе, Отабеком Носировым, на которой участвовали резиденты IT Park, ректоры местных ВУЗов, представители частных учебных центров и молодые стартаперы.



Делегация совместно с представителями хокимиятов сделала последние шаги по созданию контентной составляющей будущих филиалов и новых IT-центров. В скором времени молодые ребята данных областей получат современную инфраструктуру, в которой будут коворкинг-центры для фрилансеров, учебные классы для изучения IT-специальностей, в том числе, на платформе Uzbekcoders.uz, аудитории для

изучения мобильной робототехники, киберспорта, а также офисы для IT-компаний.

В филиалах IT Park молодежь сможет работать 24/7, получит все необходимые удобства, а также бесперебойное электропитание и высокоскоростной интернет, который крайне важен для IT-специалистов.

Также для развития локальных IT-компаний IT Park будет содействовать в привлечении IT-заказов, как из са-

мого Узбекистана, так из зарубежных стран. Таким образом, будет усиливаться потенциал локальных компаний и увеличиться конкурентоспособность внутри страны.

Занятия и прием заявок на обучение в будущих филиалах и IT-Центрах начнутся с окончанием карантина. Каждый желающий сможет обучаться по таким направлениям, как:

- Компьютерная грамотность;
- Углубленный MS Office;
- Языки веб-программирования;
- Базовая графика и дизайн;
- Разработка мобильных приложений;
- Язык программирования Python;
- Мобильная робототехника на основе Arduino и Lego;
- Уроки по киберспорту на основе игр CS: GO, Dota 2 и FIFA20.
- Длительность курсов составляет от 1 до 3 месяцев.

Кроме того, будут проходить занятия и по IT-английскому языку, чтобы IT-специалисты и все желающие, которые хотят улучшить свои знания, могли более эффективно общаться с зарубежными партнерами и иностранными заказчиками.



## КОРОТКО...

Компания HP представила несколько новых моделей ПК категории All-in-One.

Компьютер HP EliteOne 800 All-in-One G6 PC, по заверениям производителя, стал самым мощным в мире коммерческим моноблоком, построенным на базе процессоров Intel Core 10 поколения и будет представлен моделями с диагональю экрана 23,8 и 27 дюймов.

Устройства имеют тонкий корпус, а благодаря возможности установить графику NVIDIA GeForce RTX 2070 SUPER они стали первыми в мире коммерческими моноблоками с расширенными возможностями для работы с VR-технологиями.

Компьютеры оснащены антибликовыми дисплеями с минимальным излучением световых волн синего диапазона и ультратонкими рамками по трем сторонам, а также поддерживают конфигурации с различными подставками для адаптации к любым условиям.

\*\*\*

Под влиянием пандемии коронавируса потребители заметно снизили спрос на товары, не входящие в разряд первой необходимости. Как результат, по оценкам Gartner, глобальные продажи смартфонов конечным пользователям в первом квартале года сократились на 20,2% «YoY».

Все ключевые вендоры за исключением Xiaomi ушли в минус. Последняя же показала хорошие результаты благодаря высоким продажам Redmi на международных рынках и мощным онлайн-каналам продаж.

Несмотря на спад в размере 22,7%, верхняя позиция по-прежнему принадлежит Samsung. Провал мог быть гораздо глубже, но поспособствовало то, что основные производственные мощности компании находятся за пределами попавшего под локдаун Китая.

\*\*\*

Аналитики компании Omdia (бывшая IHS Markit) признали iPhone 11 наиболее продаваемым смартфоном начальной четверти текущего года. Упомянутая модель от Apple разошлась тиражом свыше 19,5 млн. экземпляров. Несмотря на пандемию коронавируса квартальные поставки iPhone 11 почти на 6 млн. превысили результат iPhone XR, достигнутый в начальном квартале 2019 г.

Вторым по популярности смартфоном оказался Galaxy A51 от Samsung, поставки которого превысили 6,8 млн. устройств. Корейцы сохранили за собой вторую строку рейтинга — год назад на этой же позиции обновила модель Galaxy J4 Plus.

Тем не менее, наиболее запомнилась Xiaomi, которая в рейтинге бестселлеров впервые взяла сразу два места Top-5. В частности, на третьем разместился Redmi Note 8 (6,6 млн смартфонов), а на четвертом — Redmi Note 8 Pro (6,1 млн. смартфонов).

## E-GOV

## В РАМКАХ РАЗВИТИЯ «ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА» БУДЕТ РЕАЛИЗОВАНО 104 ПРОЕКТА

Как отметил Президент Шавкат Мирзиёев в своем Послании парламенту, развитие цифровой экономики является для Узбекистана одним из самых важных и приоритетных направлений в ближайшие годы. Символично и то, что 2020 год в нашей стране был объявлен Годом развития науки, просветительства и цифровой экономики. В 2020 году в сфере ИКТ намечено реализовать ряд крупных проектов.

28 апреля 2020 года было принято Постановление Президента «О развитии цифровой экономики и электронного правительства». В соответствии с документом в Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций была создана интегрированная система, занимающаяся цифровой экономикой.

Согласно документу в период 2020–2022 годов в рамках развития «Электронного правительства» намечено реализовать 104 проекта на общую сумму 1,3 триллиона сумов.

Все проекты, безусловно, носят актуальный характер. Их реализация и внедрение, в свою очередь, позволит повысить качество услуг для населения и сделать комфортнее жизнь наших граждан.

## НАЛОГИ

## «ЯНДЕКС» И HUAWEI ВСТАЛИ НА НАЛОГОВЫЙ УЧЕТ В УЗБЕКИСТАНЕ

«Яндекс» и HUAWEI встали на налоговый учет в Узбекистане, следует из данных Государственного налогового комитета.


Зарегистрированная в Швейцарии Yandex Europe AG встала на учет 28 мая. Это компания для работы на европейском рынке, которую «Яндекс» создал в 2012 году. Офис находится в Люцерне.

Зарегистрированная в Китае Huawei Services (Hong Kong) Co., Limited встала на учет 1 июня.

Ранее на налоговый учет встали Google, Facebook, Netflix, Samsung, Apple, Booking.com и другие. Причем в Apple после этого изменили цены в App Store Uzbekistan.

С начала 2020 года иностранные юридические лица, осуществляющие реализацию услуг и товаров в электронной форме, местом реализации которых является Узбекистан, признаются налогоплательщиками в части таких услуг, оказываемых физическим лицам.

Налоговый комитет создал НДС-офис, который позволяет иностранным интернет-компаниям, работающим в Узбекистане, встать на учет и начать платить налоги.





# БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ...

роси ҳар бир оилага зиё олиб киради. Ҳар бир инсоннинг умр йўлини мунаввар айлайди. Юртимиздаги барча оила бошлиқлари ҳам юртбошимиздан улғу олиб, ўз муқаддас салтанати — хонадонда маърифат ҳомийси бўлмоғи шарт. Уйига бир дон китоб олиб келмайдиган одамлар бор. Китоб кирмайдиган оила қандай оила бўлади? Бугун китоб дўконига бормайдиган ота-она эртага боласидан нима кутади? "Китоблар донишмандликни ёйиш қуролидир", дея ўқитиради Ян Коменский. "Ҳар кунни жаҳоннинг энг донишманд кишилари билан мулоқотда бўлишдан кўра қимматлироқ нима бор?" деб сўрайди Лев Толстой.

## Бундан бошқа йўл борми?

Муҳтарам ота-она, фарзандингизнинг ўқишларини назорат қилишга вақт топинг! Айниқса, карантин пайти, онлайн дарсларини бирга қилишга вақт топинг. Унинг ўзлаштириши қийин бўлган фанларини аниқланг. Болани жазолашга, ўқитувчини айблашга шошилманг. Сабр билан ёндашинг. Болага фикрлашни ўргатинг. Ўзини англашига ёрдам беринг. Кучига ишонтиринг. Ҳозир ўғил-қизларимизга вақт ажратмасак, келажак бизни кечирмайди. Ҳозир фурсатни қўлдан бой бериш кексалиқда хорликда умр кечиришга рози бўлишдек гап. Телевизор қаршисида, мантиқсиз сериаллар ҳаётида тентираб, интернет чангалзориде сайр этиб, кўнгилочар давраларида чаҳ-чахлашиб исроф қилинган вақт эртага биздан аёвсиз ўч олади. Фарзандимиз йиллаб олий ўқув юртининг эшигидан бош эгиб қайтаверадиди. Бирор жойда иши юришмайди. Амал-тақал уйли-жойли қиларсиз ҳам, ундан кейин-чи? То кучмадордан қолгунингизча оиласини ҳам боқарсиз. Сиз ҳам темир одам ёки очилдастурхон эмассиз. Бир кун ҳолдан тойиб йиқилсангиз, ёнингизда суяб қолувчи куч йўқлигини ҳис этиб яшашни ўзи оғир. "Олтимши ёшдан кейин қандай яшашинг ва қанча яшашинг болаларингга боғлиқ", деган донишмандлар. Шу боис бугун мактабга шошинг! Устоз ва мураббийлар билан ҳамсуҳбат бўлинг, уларга қанот бўлинг. Зеро, бундан бошқа йўл йўқ.

**Ўн-ўн беш йил бирпасда ўтиб кетади. Фарзандларига бугун вақт ажратган, улар билан астойдил шуғулланганларнинг ошиги олчи бўлади. Болалари нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга киради, олашмул ютуқларга эришади, ота-оналарнинг армонларини ушалтиради. Уларнинг доим омади чопади. Ўша омадли бола сизнинг болангиз бўлсин. Ўша омадли бола менинг болангиз бўлсин. Ўша омадли бола келажаги буюк Ўзбекистонинг боласи бўлсин, илоҳим!**

Зулфия МҮМИНОВА

**Инсон бу дунёга келмасидан олдин онасининг жисми-жониде нафас ола бошлайди. Энг биринчи тинглаган мусиқаси онасининг юрак уриши бўлади. Ҳали ҳеч нарсани англамай туриб онасининг жисмини ҳис этади. Чақолқнинг ёруғ дунёга келгандаги йиғиси она вужудини тарк этгиси келмаганидан, онанинг иссиқ бағридан айрилишни истамаганидан.**

**Гўдак бу дунёга келиши билан онасига талпинади. Унинг учун она сутидан аълороқ озуқаси йўқ. Она ҳидидан ёқимли ҳид, алласидан азиз кўшиқ йўқ. Бу илоҳий боғлиқликка қандай путур етади? Қачон путур етади? Қандай пайдо бўлмоқда онасининг айтганини қилмайдиган болалар? Қаердан пайдо бўлмоқда мурғак қалбларда бобосининг, бувисининг фикрини инкор қилиш? Қондошларидан руҳан узоқлашиш, уларни соғинмаслик. Авваламбор, биз катталарнинг ўзимиз болаларимиздан узоқлашмаяпмизми?**

## Фарзандимиз бизга ҳалақит беради...ми?!

Биз болаларсиз роҳат истаб қолдик. Кафе-ресторанларга болаларсиз боришни хоҳлаймиз. Меҳмондорчиликка болаларсиз боришни маъқул кўраемиз. Ҳатто қариндош-уруғниқига болаларсиз боришни қулай сезамиз. Бола билан борсанг, мириқиб дам ололмайсан, бола гапни бўлади, бола маданий жойларда маданиятсизлик қилиши мумкин. Ҳоказо, ҳоказо...

Шу тариха фарзандларимизга кераклича вақт ажратмаймиз. Биргина онанинг ўзи ҳам ишлаб, ҳам рўзғор ишларидан ортиб, ўғил-қизига етарлича эътибор қилолмаслиги табиий. Бундай пайтда ота фурсат топиши зарур. Ота ёрдамга шошилмоғи керак. Бобо-бувилар кўмакка келиши лозим. Хорижда боласи "2" баҳо олган одам ишдан бўшаш учун ариза берад экан. Агар ўқувчи бир ойда баҳосини "5"га тузатса, отанинг иш ўрни ва ойлик маоши сақланар экан.

Биз-чи? Фарзандларимиз дарсларини яхши ўзлаштиришига ёрдамлашиш учун етарли вақт ажратмоқдамизми? Мактаб билан боғланиб тураемизми? Болаимиз қайси фандан қийналаётган бўлса, ўша ўқитувчиси билан учрашиб маслаҳатлашамизми?

— Оталарни мактабга жалб этиш, ота-оналар йиғилишига чақириб жуда қийин. Мажлис-ларга асосан оналар келишади. Ўқувчи дарсларини яхши ўзлаштирмаётганини қундалигига ёзиб юборсак, баъзи оталар ўғил болаларни калтақлайдилар. Ахир бу туришда мурғак қалбларни руҳан майиб қилиб қўйишимиз мумкин-ку. Ёмон баҳо олиб борса, бир ўқувчимни қўлини кўтартириб, уч соатлаб бурчакка турғазиб қўйишар

экан, дейди — Сергели туманидаги 3-мактаб директори Нигора Жабборова.

**Болани жазолашдан олдин ўзимизни назорат қилсак бўлармиди? Ўзимизга савол берсак бўлармиди?**

\* Сиз фарзандингиз уқийдиган мактабга бир йилда бир марта бўлсаям бора-сизми?

\* Мактаб кутубхонасига кириб кўрганмисиз?

\* Нега сизнинг ўғил-қизингиз фан олимпиадаларида иштирок этмайди?

\* Мактаб ошхонасидеги таомларнинг қайси бири болангизнинг соғлиғига тўғри келади?

\* Нега фарзандингиз камгап, тенгдошларига қўшилимайди?

\* Нега ўғил-қизингиз спорт мусобақаларида фаол эмас?

\* Нега болангиз кейинги лойларда жаззакчи ва асабий?

\* Фарзандингизнинг мактабда дўсти йўқ. Нима учун?

\* Сиз шунчалар бандмисиз? Еки ўз болангиз уқийётган мактабга борсангиз, об-рўйингиз тўқилиб қоладими?..

Кўнгилочар давраларга, гап-гаштакларга, бозорма-бозор юришга вақт топасиз. Синфдошу курсдошлар, ҳамкасблару дўст-журалар учун вақт бор. Мактабга боришга эса фурсат йўқ. Бу адолатданми?

# МАТБУОТ МАЙДОНИДА КУЧЛИЛАР ҚОЛАДИ!

**Қишлоғимизда Ёмғир бобо деган ажойиб камгап, вазмин инсон бўларди. Иккала қизи олисларга келин бўлиб тушган чол-кампир тинч осуда ҳаёт кечирардилар. Бобо ҳар кун ё азонда, ёки оқшом бизникига келиб, дадам билан у ёқдан-бу ёқдан гурунглашиб ўтирарди. Бир кун уйимизга кириб келганда дадажонимнинг қўлида “Коммуна” (ҳозирги “Фаргона ҳақиқати”) газетасини кўриб, қани берчи, Ҳафиза қизимнинг газетасини, деди бобо. Дадам газетани аста узатаркан сўради: “Кўзойнагингизни олиб келганмисиз ўзи, Ёмғир ака?”**

## Газета инсоф-диёнатдан дарс беради

Мен дастурхонни янгилаш билан банд эдим. Уларнинг суҳбати менга қизиқ туюла бошлаганди. – Иккита кўзойнак тақсам ҳам кўзларим ўтмайди. Лекин газетани ушласам яйраб кетаман. Кўз равшан вақтларда қўлимдан газета-журналлар, китоблар тушмасди. Мана, энди Дадажон почтанинг тўп-тўп газеталарни тарқатиб юрганини кўрсам, ичим ёниб кетади. Невараларим ёнимда бўлса эди ўқиб беришарди, – дея тер босган пешонасини, намланган кўзларини энги билан бўлди-да газетани пешонасига теккизди, сўнг ўпганча бир зум уйга ботди.

Қандайдир музтарлик юзага келганди. Дадам вазиятни юмшатмоқчи бўлдим, “Худди Қуръони каримни ўлгандек ўлиб қўйдингиз-а, – деди юзага келган маҳзунлиқни тарқатиш учун ҳазилнамо тарзда. – Истасангиз, манави газета-журналларнинг барини болалар сизга нуқта, вергулигача ўқиб беришади. Хоҳлайсизми?”

– Асқарали, – деганди бобо жуда ҳам секин овозда. – Сен мени эшит. Билиб турибман, бу газета, Қуръон эмас, лекин унинг “укаси”, унга хизмат қилади. Инсоф-



диёнатдан дарс беради! Тўғри йўлга бошлайди! Тўғри бўл, ҳалол бўл, меҳнат қил, хушмуомалаю хушёр бўл, адашма, дейди...

Бундан қирқ йиллар муқаддам айтилган бу сўзлар жаранги ҳамон қўлогимдан кетмайди. Бу оддий инсоннинг оддийгина фалсафаси залворини ҳис этиб, дадажонимнинг кўзларида ёш айланганди.

## Гап Ҳақат ишсизлик изтиробида эмас

Журналист Усмонжон Йўлдошевнинг “Хабар”нинг 15-сониди эълон қилинган “Матбуот керак! Матбуотга эътибор керак!” таҳлилий мақоласини ўқир эканман, яна ўша журналистика дунёсига олам-олам орзулар билан кириб келган кунларим, Ёмғир бобо воқеаси жонланди. Агар Абдулла Мирзаев, Аъзамжон Ортиқов, Воғиз Музаффаров каби алп журналист устозларимиз ҳаёт бўлганларида, “қоғоз газеталар умри ўтди”ни, менимча, бутун инсоният фожиаси деб қабул қилишлари аниқ эди. Сочлари газета ишида оқарган, умрининг сўнгги кунларигача матбуотга содиқ қолган бу азиз ва мукараб инсонлар адолат ва ҳақиқатнинг толмас курашчилари сифатида юраклар тўридан жой олган эдилар. Воғиз бобонинг уйи тахририятимиз ёнгинасида эди. Беморланиб тўшакка миҳланган йилларда тез-тез хабар олиб турардим. Бир гал “Таассуф. Боқий дунёда газета йўқда. У ерда ҳам тинмай ёзиб маъза қилардим”, деганида алланечук бўлиб кўз

ёшларимни базўр тўхтатиб қолганман. Бу билан демоқчиманки, ҳаётини газета билан болаган, энг олийжаноб, энг эзгу мақсад йўлида хизмат қилаётган журналист учун босма газеталарнинг даври ўтди, деган иддаолар ниҳоятда оғриқли дейиш ҳам моҳиятини очиб бермайди. Гап Ҳақат ишсизлик изтиробида эмаслигини таъкидламоқчиман. Қалбида журналистикага муҳаббат ва иштиёқи бор қаламкаш электрон нашрларда ҳам ўрин топа олади. Масала жамият тарққиёти ва равнақи учун хизмат қилган ва бундан кейин ҳам хизмати юксак бўладиган босма нашрларни қўлаб-қувватлашда.

Чиндан ҳам бизнинг французлардан қаеримиз кам? Синглим Москвадан менга йигирматача газета олиб келди. Пул сарфлашнинг кераги йўқ эди. Интернетдан топиб ўқирдим, десам, биринчидан, буларни пулга олмадим, бепул тарқатадилар, иккинчидан, ахир сиз қоғоз газеталарни ўқишни хуш кўрасизку, деди. Мундоқ қарасам, газеталарнинг айримлари соҳаларники, айримлари рекламалардан даромад қилар экан. Бизда ҳам жамиятимиз етарли даражада ахборотланишга, тадбиркорларимиз сафи кенгайса, уларга берилаётган эркинликлар қоғозлардагина қолиб кетмаса, ҳақ-ҳуқуқларимизни тўла билсақ, бурчларимизни ўз ўрнида аъло даражада бажарсақ, коррупционерлар таг-туби билан йўқотилса... Ушанда босма нашрлар яна гуллаб-яшнайдими, десам ишонгингиз

келяпти, менинг ҳам. Зеро, орзуга айб йўқ, дейдилар.

## “Хабар” қачон келади?

Карантин қоидалари кучайтирилган кунлар эди, “Хабар” газетасини шаҳар ва туман ТБларига тақдим қиладиган ишчи мени гапга тутиб қолди. “Опа, жойлардан “Хабар” қачон келади, деб сўроқлайвериб қўйишмаяпти. Қандай жавоб қилай, деб сўради. Ростки, бу савол мени қувонтирди. У бўлса нима учун хурсанд бўлганимдан таажубда эди. Филиалда Валижон Қурбонов, Мўъминжон Ўринбоев, Юлдузхон Узакбаевлар ҳам худди шу саволни беришди. Ёш мутахассислар билан бўлган суҳбат ҳам бир қувончимга ўн қувонч қўшди. Исомиддин Алимжонов “Столим қоғозларга тўлиб-тошиб ётади. Баъзан сонсаноксиз қоғозлардан бошларим айланиблар кетадией, шунда қоғозлар ичидан газета чарақлаб чиқиб қолса, энгил нафас оламан, фикрларим тиниқлашади”, деса, Хурсаной Темирова бўлса, “Опа, сиз мени бирмас, икки марта ёзгансиз. ТАТУ Фарғона филиалидаги устозларимни, факултетдошлару курсдошларни учратсам, турган гапки, ўша мақолаларни эслашади. Шунда такрор-такрор газетанинг кудратига, таъсир кучига қўйил қоламан”, деди завку шавқ билан. Ана шундай, демак, бизни кутишади, бизни ўқишади. Ва биз кутаётганларни илҳақ қилмаслигимиз керак. Фурқат ТБ бошлиғи Фуломжон Турсуновнинг “Бешта

бўлимимиз бор. Ҳаммасида “Хабар” тахламлиб борилади”, дегани ҳам биз, “Хабар” ижодкорларига катта масъулият юклаши лозим. Хуллас, “Хабар” керак, унга маънавий эҳтиёж ҳамisha шундай даражада қолиши шарт. Алалхусус, тинмай изланишимиз, интилишимиз, ўзимизни қийнаб-қийнаб меҳнат қилишимиз ҳам шарт.

## Давр солномаси, давр хужжати

Шу ўринда яна босма нашрлар тақдирини ҳақида мулоҳаза қилиб кўрсак

– Даврий нашрларнинг даври ўтди, деган фикрларга қўшилмайман, – дейди Аҳмад Фарғоний номидаги АКМ директори Шохидбек Аслонов. – Китоб билан газета-журналлар доим ёнма-ён келган ва шундай бўлиб қолади. Бу менинг фикрим. Газета – давр солномаси, давр хужжати. Ҳар қандай тарих сабоқлари, қимматли маълумотлар ҳамда ахборотлар газеталардагина ишончли сақланиб қолади. Электрон газеталар зарур дегани, бу босма газеталар керакмас, дегани эмас. Электрон турда бугун бир мақола чиқса, эртага яна бошқача бўлиб чиқади. Ҳаттоки, талқини ҳам ўзгартириб кетаётган ҳоллари ҳам бор гап. Газета нисбатан тезкор бўлмаса-да, лекин мақолалар пишиқ-пухта, ўқишли ҳолатда ҳавола этилади. Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Шу кутубхонада 33 йил ишлаган, етуқ библиограф бўлиб хурмат қозонган, олимларга, барча зиёлиларга, талабалару



ўқувчиларга беминнат хизмат қилган, ҳозирда фахрийлик гаштини сураётган Салимаҳон Юсупова ҳам директорнинг мулоҳазаларини тасдиқлади: Чин сўзим, мен ҳам бу иддаоларни қоралаймман. Эй, заковат соҳиблари, ундан кўра матбуотни сақлаб қолиш ҳақида қайғурмайсизларми, қандай таклифлару тавсияларингиз бор, дейдиган одам йўқ. Муқобили бўлса, жамият тараққиёти янада тезлашиши табиийку! Қанчадан-қанча тарихчи олимлар, тарих тўғрисида асарлар битаётган адиблару шоирлар, ўтмишимиздан фактлар асосида ёзидиган журналистларнинг кутубхонамизда ойлаб қолиб кетганларига ўзим гувоҳ бўлганман. Улар чи, улар бу “башорат”ларга қандай қарашади? Адолатсизлик, эътиборсизлик, онгсизлик деб қарашларини, уларнинг нафратини таърифлашга ҳожат бормикан? Қолаверса, электрон нашрлар дубри кетмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Газеталар гардини ютиб, ҳам қоғоз, ҳам электрон карто-текалар тузиб борилади. Нимага шунча меҳнат? Нимагаки, тарихни келажак авлодларга шундайлигича етказиш ҳам қарз, ҳам фарз. Буни унутиш, менинг назаримда ҳам жиддий хато бўлади.

**Қишлоқларга ҳам матбуот дўконлари керак**

Кунни кеча “Матбуот тарқатувчи” дўкони ёнидан ўтар эканман сотувчиси газета сотуви тўғрисида нима деркин деб уни суҳбатда тортидим. Исм-шарифи Мухтарамхон Маждидова экан. Унинг айтганлари ҳам мулоҳазаларга чорлаши тайин:

– Фалон газетанинг фалон сони керак, деб келувчилар кўп бўлади. Шунда ўзимизда бўлма-са, бошқа ҳамкасб — сотувчилар бир-биримизга телефон қилиб сўралган газетани топиб берамиз. Суюниб раҳматлар айтиб кетишади. Мижозларимиз орасида даволли ҳижоқларни, детективларни хуш кўрувчилар ҳам кўп... Лекин очигини айтмай, “Даракчи”, “Шифо инфо”, “Бекажон”, “Сўғдиёна”ни олувчилар нисбатан кўп.

Шу пайт суҳбатимизга газета харид қилаётган аёл қўшилди (у ўзини Зарифахон Қаюмова деб таништирди): Опа журналист бўлсангиз ёзинг, почта пенсия тарқатганда, ўзимга ёққан газеталардан бажонидил сотиб олардим. Энди пенсияларимизни “Халқ банки”дан оляймиз. Улар газета олиб боришмайди. Узоқ Янгиер қишлоғидан келиб, газета олиб кетишининг доим ҳам имкони бўлмаяпти. Бизнинг қишлоғимизда ҳам газета дўкони очилса бўлармикан?.. “Билмадим. Қишлоқларда ўзини қопламайди, деб эшитганман”, – дея жавоб бердим. – “Матбуот тарқатувчи” вилоят шўъба қорхонаси раҳбарига айтиб кўрайчи”.

Қорхона директори Хатимхон Гафуровага кўнгирак қилсам, роса тўлиб турган экан дарду дунёсини тўкиб солди: “Ҳодимларимнинг маошини энг кам иш ҳақиға ҳам

етказа олмапман. Топширган пуллариға кўра фоизда маош олишади – қонуний ҳужжатларимиз шунақа. Устиға-устиак карантин бўлиб, жуда мушқул аҳволда қолиб кетдик. Киоскаларимизни карантин даврида олиб қўйишди. Халққа газета керак экан ёзди-ёзди, шикоят бўлиб 1 май кунни киоскаларни очишға рухсат беришди. Қранларда дўконларимизни олиб ташлаган шоввозлар кейин жойига қўйай дейишмади. Ходимларим ўзлари уловға 500000 сўм топиб тўлаб иш бошлашди. Ваҳоланки, карантин чоралари кучайтирилган кунларда уларға осон бўлмади. Вилоят “Маҳалла” жамғармасига ходимларимға ёрдам беринглар, илтимос, деб борсам, ёрдамлар фақат ногиронларға, деб жавоб қилишди. Ажабо, улар шундоғам нафақа олишади. Биз эса топширган пулларнинг фоизинигина тўласак, карантин даврида ишламаган бўлсалар улар нима ҳисобига кун кўради, қандай рўзгор тебрататади? Бизнинг ғамимиз ҳеч кимни қизиқтирмайди! Хуллас, на шаҳар ҳоқимлиги, на тегишли ташкилотлар давлат сиёсатини юргизувчи, маънавиятни юксалтиришға хизмат қилувчи маърифат масканларимизға ғамхўрлик қилай, демайяпти. Бизнинг муаммоларимизни кўриб кўрмасликка, билиб-билмасликка олишяпти. “Xabar”да тўғри ёзишибди. Матбуотга, матбуот тарқатувчиға эътибор кун сайин сусайиб кетаётгани жуда ўқинчи. Таассуф. Таҳририятлар, журналистлар газеталар истиқболи учун ўзлари жон куйдиришмаса, биз матбуот тарқатувчилар ҳам ҳеч нарса қилолмасак. Оқибати нима бўлади? Мен тасаввур қилолмайман. – Опа, бир дақиқа, дея нарғи томондаги рақамға жавоб бергач, гапидга давом этди. – Яна Сўҳдан кўнгирак қилишяпти. Газеталар қачон келади, дейишяпти...”

Қарангки, газета керак. Ҳар ҳолда ҳали газета ўқувчилар, матбуот мухлислари ниҳоятда кўпчиликини ташкил этмоқда. Шу ўринда сўзимни бир мулоҳаза билан якунласам бўлади. Вилоят ҳоқимлигининг “Фарғона ҳақиқати” газетаси 3000 нусхада чоп этилаётгани. Бош муҳаррирликка вилоят журналистлари раҳбари, вилоят ҳоқимининг матбуот котиби Мухаммаджон Обидов келгач, газета тиражи 5700тадан ошди. Мазмунини ҳам, дизайнини ҳам кескин ўзгартиш ясалди. Бугунги кун муаммолари, долзарб масалалар жасорат билан кўтариб чиқилмоқда. Журналистлар фаолиятида жонлиши ҳавас қиларли даражаға етди. Таҳририятларда ташаббускор, тадбиркор, раҳбарларға фикрини тушунтира оладиган бош муҳаррир бўлсин экан.

**Хулоса:** босма нашрларнинг кўп қисми умрини яшаб бўлган бўлса бордир. Аммо майдонда кучли газеталар албатта қолади!

**Ҳафиза САЛҲОВА,**  
“Xabar”нинг Фарғона  
вилоятдаги мухбири

**Ижтимоий тармоқларда ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада йўл қўйилган ва ҳатто, йўл қўйилаётган хато ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича муҳокамаю мунозаралар қизигандан қизиб бормоқда. Бугун бу тортишувлар ўз ниҳоясига етгандек, гўё.**

**АСЛИДА ЁЗМОҚЧИ ЭМАСДИМ-У...**

Бу жараёнда соҳа йўлида фидойилик қилаётганларға қарата тош отилгани, уларнинг бу борада ҳеч нарса қилмаётгани ва ёки қилишға кучи етмаслиги кўп марта такрорлангани кишини ўйға толдиради. Албатта, бу уларнинг фикри. Ҳеч ким бошқа бировни фикр билдириш, ўзи хоҳлаган тилда ўйлаш, фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилолмайди. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида белгилаб қўйилган.

Энг қизиги, мана шундай фикр билдирганларнинг 80-90 фоизи ўз “пост”ларини адабий тил қоидаларига риоя қилмаган ҳолда қолдирди, десам янглишмаган бўламан. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, улар ўзи адабий тил меъёрларини биладимиз? Бу энди бошқа масала.

Ижтимоий тармоқларда ана шундай ҳолатга нисбатан ўз қарашларини баён қилганларға “Асосий ўз фикрини айтяпти, қандай кўринишда ёзишининг нима фарқи бор?”, деган жавоблар ҳам “янгради”.

Кези келганда, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида давлат тилида иш юритиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Марказий аппарат бошқарма ва бўлимлари фаолиятиға оид ҳужжатларни давлат тилиға ўгириш ва қабул қилиш ишларини якунлай деб қолдик. Бизға келаётган ҳужжатларни билмадим-у биздан бошқа ташкилотларға юборилаётган ҳужжатлар давлат тилида тайёрланмоқда. Бунинг шарт эканлигини ҳамкасбларим тушунмоқда ва бу борада амалий кўмак кўрсатишмоқда.

Энди белгиланган вазифаларнинг иккинчи босқичи, яъни вазирлик тизимидаги қорхона ва ташкилотлар билан ишлашға ўтдик. Ишнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида бунинг учун, аввало, уларда ушбу йўналиш бўйича масъулларни белгилаб олддик. Ҳозирда улар билан ҳамкорликда тизим ташкилотларининг ҳам фаолиятини ўрганиб, баъзи ҳужжатларни давлат тилида қабул қилиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Бу қисқача танаффус эди.

Конституциянинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир, деб қатъий белгилаб қўйилган. Бу қоидага зид ёки қарама-қарши ҳаракат қилишға ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мабодо кимдир ҳадидан ошиб, шундай ҳаракат қиладиган бўлса, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмоқда, деб топилиши мумкин (20-модда).

Бундай ҳолатларға қарши чиқиш, курашиш учун ҳаммасини ўзимиздан, яъни шахсан ўзимиздан, оиламиздан, ишхонамиздан бошлашимиз зарур. Бир тасаввур қилиб кўрин-а, сиз ўзбек тилида гапирасиз, оилада ўзбек тилида мулоқот қиласиз, ишхонамизда барча ҳужжатларни (ҳалқаро ташкилотлар ва хорижға юбориладиганлари бундан мустасно) ўзбек тилида тайёрлайсиз ва



ҳамкасбларингиз билан ўзбек тилида мулоқотға киришасиз. Ким сиздан бошқа тилда гапир, деб талаб қилади, ким сизни бунга мажбурлай олади, ким сизни бу ҳуқуқдан маҳрум қилишға уринади? Ким?..

Масалан, мен шундай қиляпман. Бир ҳамкасбим доим менга ўз тилида “Здравствуйте”, дейди. Мен эса унга “Ассалому алайкум”, деб жавоб қайтараман. Тунов куну яна бир ҳамкасбимиз шў воқеани эсга олиб, русча салом берувчи ҳамкасбимиз ҳеч бўлмаганда ўзбекча саломлашишни ўрганаётганини айтди. Ич-ичимдан хурсанд бўлдим. Кўрашиш дегани мана шунақа бўлса керакда.

Энди ҳар биримиз шундай қилсак, нималар бўлишни ўйланг. Бунинг учун кимларнингдир дилини хира қилиш шарт эмас. Шунчаки сиз ўз тилингизда гапиринг, ҳаммаси изига тушиб кетади.

Таълим, билим ва маданиятни унга аъзо бўлган ҳар бир давлатдаги миллий комиссиялар орқали амалга оширувчи ЮНЕСКО томонидан олиб борилган тадқиқотлар бугунги кунда дунёда минглаб тиллардан фойдаланилаётганини кўрсатмоқда. Бу тилларнинг бир қисми кенг миқёсда бўлса, бошқаларидан бир ҳудуд доирасида фойдаланилмоқда. Хўш, дунёда энг кўп фойдаланиладиган тиллар қайси?

Инглиз тили гарчи дунёнинг жуда кўп ҳудудларида ишлатилаётган бўлса ҳам, аммо айнан мана шу сабабли у энг кўп фойдаланиладиган тил деган хулосаға бориш нотўғри. Дунё тиллари рўйхатиға қаралса, инглиз тили 2-ўринни эгалламоқда. Аҳолиси сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турувчи Хитой рўйхатининг бошида турибди. Ундан кейинги ўринларни инглиз, испан, хинд, араб, рус, малай, бенгал, португал ва француз тиллари эгаллаган.

Бизнинг асосий мақсадимиз кимлар биландир давлат тилини янада ривожлантириш бўйича пачакилашиб ўтирмасдан, уни оқорида келтирилган тиллар қаторига киритиш, ҳеч бўлмаганда, уларға ҳақинлаштиришни ўйлашимиз керак.

**Нурулла АБДУЛЛАЕВ,**  
АКТ вазирининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига риоя этиш масалалари бўйича маслаҳатчиси

## 10 | АХЛОҚ, АДАБ, ОДАМ

Ёшлигимизда катталар бизга ҳалол меҳнат қилиб топилган ризқнинг баракали бўлишини бот-бот ўқтиришган. Меҳнат қилмасдан топилган даромаднинг эса умри қисқалигини, оилага барака олиб кирмаслигини ён-атрофимиздаги воқеалар орқали англаб, ҳис қилиб улғайганмиз. Кейинчалик вақт ўтиши билан “ҳалол меҳнат” деган калит сўзнинг ёнига текинтомоқ, боқиманда деган иборалар қўшилди.

## БОҚИМАНДАМИ

Ё  
Ш  
И

## ТЕКИНТОМОҚ?

Тўрт мучаси соғ бўла туриб кимдандир ёрдам кутиш бу боқимандалик аслида. Ана шу боқимандаликни мен меҳнатсиз даромад топишга интиладиган текинтомоқ одамларга ўхшатаман.

Айтилик икки ака-ука бор. Икковиям соғлом. Аммо ака оилада катта бўлгани учун масъулиятни кўпроқ ҳис қилиб доимо изланишда. Ука эса аксининг иши юришганидан фойдаланиб қолиш пайида. Ахир унинг нима гами бор: доимо кўлаб-қувватлайдиган акаси бўлса...

– Қайнонам раҳматлининг бир гапи бўларди, – дейди дугонам Р. – “Хар ким ўз кунига омон бўлсин”. Беш нафар ўғилнинг ичида яхши топадиганиям, умуман иши юришмаганиям бор эди. Аммо қайнонам ўғилларининг бир-бирига ёрдам беришини унчалик ҳам хушламасди. Уйсизликдан қийналган пайтимиз очиги қайнонамдан, қайногаларимдан хафа бўлганман. Аммо улардан ҳеч қандай ёрдам бўлмаслигини англаб етгач, ўзимиз ҳаракат қилдик. Ва ҳаммасини ўзимиз уддаладик. Ҳаттоки, ҳеч қаерда ўқимаган қайним ҳам ўзи оёққа турди. Молни кўпайтирди, деҳқончилик қилди – ҳозир уйдаги шарт-шароитни топармон-тутармон акалариникидан ҳам яхшилаб олган. Агар акалар ҳар томондан ўша қайнимга ёрдам берганида, балки бу даражада ҳаёти яхши бўлмасмиди? Мен ҳам қайнонамга ҳам, қайногаларимга ҳам раҳмат айтаман. Ҳеч кимнинг бизга ёрдам бермаслиги ўз устимизда ишлаганимизга, ўз кучимизга ишонишимизга катта туртки бўлди. Тўғри қийналдик, аммо ҳеч ким-

нинг олдида тилимиз қисик эмас, бошимиз баланд ва кўп нарсасга қодир эканлигимизни англаб етдик.

**БИРИНЧИ ВОҚЕА.** Ижтимоий тармоқларда бир аёл шундай изоҳ ёзиб қолдирибди: “Мен қондошларимга эрим билан жанжал қилиб бўлсада ёрдам бераман”.

Шу топда яқин танишларим билан боғлиқ воқеа эсимга тушди. Нодиржон ва Салимаҳон (исмлар ўзгартирилган) жуда бир-бирига мос эр-хотин. Нега дейсизми? Қариндош-уруғларига яхшилик қилишда уларнинг олдида тушадиган йўқ. Эрнинг ака-укасига қилинган яхшиликка басма-бас хотиннинг ака-укасига ундан ҳам каттароқ ҳотам-тойликлар қилинади. Эр-хотин қариндош-уруғларига яхшилик қилиш бўйича баҳс бойлашгандек, гўё. Ҳали бирига уй олиб берган, ҳали яна бирига охириги молини сотиб машина олишига кўмаклашган. Олдида вояга етаётган ўғил-қизлари, чала ётган иморати уларни зарра қизиқтирмайди. Шундай қилиб, катта аканинг иши юришмай қолди. Аввалгидай даромад қайда. Бирпасда болалар вояга етди. Иморат чала. Уғил-қизларни уй-жойли қилиш керак. Лекин ҳеч қандай жамғарма йўқ. Оқибат шу бўлдики, ўғилларни нақ 30 ёшгача уйлантиролмади, қизларни ҳам ҳаминқадар сеп билан узатишди. Болаларнинг ўқиши, уларнинг контрактига пул топиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Укалар-чи дерсиз? Улар аканинг ёрдами билан оёққа туриб

олиши. Аммо акага ёрдам бериши керак бўлганида уларнинг ҳам болалари вояга етишган, ҳали бирини уйлантириш, ҳали бирининг контрактига пул тўлаш керак бўлиб, акага ҳеч ким ёрдам беролмади. Бу меҳрибонлик акага қимматга тушди. Бирор-та фарзандини ўқитолмади, чала иморатини битиролмади.

Бу кўпчиликка таниш воқеа. Салгина оёққа турган акага, қариндошга ҳамма бирдай ёпирилади. Ахир уйлаб кўрилади, ўша укаларнинг, қариндошларнинг ундан қаери кам. Худди топармон акадек тўрт мучаси соғ бўлса... Афсуски, аканинг топармон-тармонлиги бошқа қариндошларнинг боқиманда бўлиб қолишига сабаб бўлади. Энг ёмони, кўплаб мансабдорларнинг қариндошлар учун порахўрга айланиши ҳам бор гап. Ахир мансабдор акага барча қариндошлар кўз тикиб турган бўлса, уларга ёрдам қилиш учун қанча кўп топса ҳам кам... Акам борку не гафим бор, деб бир умр бирор тайинли ишнинг бошини тутмай ўтаётганлар ҳам орамизда бисёр.

– Энг кичкина қайним жуда бебош чикди, – дейди яна бир дугонам. – Шу уйга келин бўлиб келибманки, – муаммоси битмайди. Уйлантирганимиз ҳам майли, бошлана олиб берганимиз ҳам майли, энди оиласи билан боқимиз баъзан. Тузукроқ ишга жойлаб қўйса ёқмаса осонгина воз кечиб кетади. Буюқда ўзимизнинг фарзандлар вояга етпти. Фирт текинтомоқ бўлди. Баъзан эримга укангизни ўз ҳолига қўйинг, ўзи учун ўзи ҳаракат қилишни ўргансин, дейман. Аммо турмуш ўртоғим “жигаримнинг аҳволини

кўра-била туриб қандай қўл силтайман”, дейди.

Ҳа, баъзида ортиқча меҳрибончилигимиз орқали яқинларимизни дангаса ва боқиманда бўлиб қолишига ҳисса қўшиб кўямиз.

Агар текинтомоқликни аёлларимиз ўзлаштиришса-чи? Кейинги пайларда аёлларнинг осонгина кимгадир иккинчи хотин бўлишини кўп кузатяпмиз... Ва бу ҳам боқимандалик ва текинтомоқликнинг бир кўриниши. Ачинарлиси, бошқаларнинг бахти эвазига...

**ИККИНЧИ ВОҚЕА.** Аёллар гўзаллик саломи. Соч қуритгичнинг овози эшитилади. Орада сочлар фирт-фирт кесилади. Кейин жимлик чўқади. Соч бўяётган аёл ўз ишини ихлос билан бажаради... Орада мижози билан суҳбатлашади.

– Нега эрингиз билан уч ой яшамасдан ажрашгансиз?

– Кўнгилсиз эдим. Онам тега-вер, яшолмасанг ажрашсан, бирортасига иккинчи хотин бўласан, деб қўймади ўз ҳолимга. Онам айтганидек яшолмадим, шунинг учун ажрашдим.

– Энди нима қиласиз?

– Биттаси иккинчи хотинликка олмоқчи, ўшанга тегмоқчиман?

Кўшни столда ўтирган аёлнинг сочини турмаклатган аёл сергаланди. Беихтиёр суҳбатга қўшилди.

– Иккинчи хотинликка рози бўлдингизми? Унинг биринчи хотини розими?

– Менга қизиги йўқ биринчи хотинининг, – деди сочи бўялган ёш жувон.

Суҳбатга аралашган аёлнинг ранги оқарди, қўллари қалтиради.

– Ҳа менам сизга ўхшаган аёлнинг дастидан оиламни бой берган аёлман, – деди у. – Кейин қўшиб қўйди. – Сизга ўхшаган қайнонанинг хизматини қилишдан қочадиган, эрнинг пайпоғини ювишни хохламайдиганларнинг дастидан бизга ўхшаган аёллар азият чекапти... Сизлар текинтомоқсизлар...

Сочи бўялган келин сакраб ўрнидан турди, сартарош аёлнинг устига вазоҳат билан босиб борди. Хайрият бошқалар уларни ажратиб қолишди...

Ҳақиқатан ҳам бундай аёлларни текинтомоқ, боқиманда дейиш тўғрими? Ахир қайнона-қайнонанинг хизматини қилмаса, эрнинг кийим-бошини ювмаса, у билан бирга-бирга рўзғор юкини тортмаса, эри томонидан яратилган шароит, эри томонидан берилган маблағга ҳеч нарсани ўйламай яшаса, албатта текинтомоқ дейилади-да... Ўзи меҳнат қилиб топмаган маблағни сарфлаш ҳам осон бўлади. Энг ёмони, мана шундай оилада вояга етаётган ўғил-қизларнинг ҳам кейинчалик енгил ҳаёт йўлини танлашидир...

Ёшлигимизда бизга яна “Бировнинг меҳнатини қадрлаш”ни ўргатишган. Қачонки, инсон ўзи меҳнат қилиб пул топса, бошқаларнинг ҳам меҳнатини қадрлайди. Қачонки, ўғил-қизларимизга ўзимиз топган даромадимиздан бунёд бўлган уй-жойимиз ва шарт-шароитимиз билан фахрлана олсак, ўрناق бўла олсак, улар ҳам келажакда уй-жойни менга акам ёки укам қилиб берсин, деган қарашлар билан вояга етмайди. Чунки боқимандалик нафақат ютуқлари билан кўкка интилаётган қондошингиз, балки жамият ривожига ҳам болта ураётган иллатдир.

Барно СУЛТОНОВА

# NGN МУЛТИСЕРВИС ТАРМОҚЛАРИ



Илмий муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим қадам

NGN мултисервис тармоқларининг имитацион моделларини қуришни автоматлаштириш усули, NGN мултисервис тармоқларининг таркибий қисмларининг тайёр ва фойдаланувчи томонидан аниқланган имитацион моделларини самарали бирлаштиришга имкон берадиган махсус мавзуга қаратилган моделни тавсифлаш тилидан фойдаланишга асосланган. Ушбу усул, биринчи навбатда, MPLS TEга асосланган NGN мултисервис тармоқларини моделлаштиришга қаратилган бўлиб, улар каналлари, пакетларни алмаштириш ва эшиттириш тармоқларини яқинлаштиради.

NGN (Next Generation Network) дастлаб дунёдаги France Telecom, Australia Telecom, Teltra, Turkish Telecom, WorldCom, Chile Telmex ва бошқа компанияларда қўлланила бошлади. Alcatel Shanghai Bell, TDM (Time Division Method) коммутация қурилмалари стратегияни ишлаб чиқди ва PSTN (Public Switched Telephone Network)ни янги авлод тармоғига татбиқ қилди. NGN ишлаш доираси катта бўлиб, бошқа тармоқларда юзага келадиган (архитектурик) тўсиқларни енгиб ўтади. У катта ишончликка эгадир. Бошқа тармоқлардан NGNга ўтишнинг сабаби шунки, унда алоқа архитектурасини ўзгартириш, хизмат кўрсатишни бошқариб, янги погонани яратиш, телефония ва ахборот технологияларининг бирлашиши ва очик протоколлардан фойдаланиш имкони мавжуд. NGN мултисервис телекоммуникация тармоқларини имитация модели илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш учун ишлатилиши мумкин, шу жумладан, тармоқ инфратузилмасини қуриш ва ривожлантиришда муаммоларни режалаштириш ва бошқариш тизимини яратишда қўл келади. Моделлаштириш усули билан NGN мултисервис тармоқининг қуйидаги хусусиятлари ўрганилиши мумкин:

- тармоқнинг маълум бир қисмидаги хизмат кўрсатиш сифати параметрларига эга бўлган трафик оқимларининг максимал миқдори;
- муайян тармоқ хизматидан фойдаланувчиларнинг максимал сони;
- турли конфигурациялардан фойдаланилган тармоқ ишининг хусусиятлари;
- маршрутлаш ва ресурсларни захиралаш протоколларининг турли параметрларини ишлаш хусусиятлари;
- тармоқнинг турли қисмла-

рини юклар олишни қайта тақсимлаш бўйича хизмат кўрсатиш сифати параметрлари билан янги хизматларни улашнинг таъсири ва бошқалар.

Бошқа транспорт оқимларига хизмат кўрсатишнинг белгиланган сифат параметрлари билан транспортнинг таъсири даражаси ва бошқалар тармоқларининг имитацион моделларини яратишнинг турли ёндашувлари мавжуд: умумий мақсадли дастурлаш тилидан фойдаланган ҳолда имитацион моделини ишлаб чиқиш, тайёр симуляторлардан умумий мақсадлар учун дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда имитацион моделларини ишлаб чиқиш тадқиқотчилар томонидан мултисервис ва бошқа тармоқларни тез-тез моделлаштириш учун ишлатилади, чуқки у мутлақ мослашувчанликка эга.

Шу билан бирга, ушбу ёндашувнинг муҳим камчиликлари моделни яратиш жараёнининг мураккаблиги ҳисобланади. Тайёр симуляторлардан фойдаланиш муайян вазифаларни тезда ҳал қилиш имконини беради, аммо тадқиқотчиларни муайян симуляторнинг муайян қобилиятлари билан чеклайди. Масалан, NS-2, NS-3 пакетларини коммутация билан имитацион тармоқларининг ҳозирда мавжуд воситалари, хусусан, бир қатор камчиликлари бор: паст даражадаги дастурлаш тилида дастурларни амалга ошириш заруригини назарда тутати (масалан, C++), хизмат сифатини таъминлаш механизмларининг айрим олдидан белгиланган компонентларини моделлаштиришга имкон беради. Шу сабабли, NGN мултисервис телекоммуникация тармоқларининг имитацион моделларини қуришни автоматлаштириш усулини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб, у муаммоли йўналтирилган воситаларнинг асоси бўлиши мумкин.

Имитацион моделларини яратиш одатда бир неча босқичларни ўз ичига олади: имитацион объектини ўрганиш, тизимнинг концептуал моделини, тизимнинг расмий моделини яратиш, имитацион моделини дастурлаш ва диск раскадровка қилиш, имитацион моделини

синаш ва муайян муаммоларни ҳал қилиш учун уни ишлатиш. Мураккаб тизимни моделлаштиришда унинг декомпозицияси амалга оширилади. NGN мултисервис тармоқларини моделлаштиришда оммавий хизмат кўрсатиш тизимлари назариясининг асосий статик элементларини графиги сифатида имитацион қилинадиган тизимни тақдим этишни қийинлаштирадиган бир қатор аниқ жиҳатлар мавжуд. Роутерлар ва дастурланадиган қалитларга хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш механизмлари мураккаб алгоритмларни амалга оширади ва оддий навбатлар ёрдамида тақдим этилмайди. Чиқиш трафигини яратишнинг хусусиятлари қўллаб омишларга боғлиқ. Бошқа томондан, NGN мултисервис тармоқларининг қўллаб элементлари одатда тақдорланадиган компонентлардан иборат. Натижанда, NGN мултисервис тармоқларининг алоҳида таркибий қисмларининг симуляцион моделларини яратиш, уларни тармоқларнинг мураккаб моделлаштириш моделларини яратиш учун уларни бирлаштириш имконияти билан моделлаштириш моделларини дастурлаш ва диск раскадровка жараёнини автоматлаштириш ва расмий моделларни декомпозиция қилиш ва тузиш жараёнини соддалаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, NGN мултисервис телекоммуникация тармоқларининг имитацион моделларини қуришни автоматлаштириш учун қуйидаги компонентларнинг имитацион моделларини яратиш керак:

- тармоқ трафиги генераторлари;
- тармоқ пакетларини узатиш каналлари;
- роутерлар, шлюзлар ва дастурий таъминот қалитлари.

Ушбу компонентларнинг имитацион моделларини қуришда автоматлаштириш усулининг муайян турдаги муаммоларни ҳал қилиш ва биринчи навбатда MPLS TE технологиясига асосланган мултисервис тармоқларини моделлаштиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олиш керак. IPTV-трафик, AoIP-трафик,

VoIP-трафика, HTTP-трафик, FTP-трафик: мултисервис тармоқларини моделлаштириш, тармоқ трафиги генераторлари моделлари турли хил хизматлар трафигини моделлаштиришни қўллаб-қувватлаши керак. Бундан ташқари, янги турдаги тармоқ трафигини ишлаб чиқаришни моделлаштириш функциясини кенгайтириш имкониятини ҳам таъминлаш керак. Технологияларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, аудио ва видео кодлаш учун янги алгоритмларнинг пайдо бўлиши, муайян хизматлар билан ишлашнинг махсус моделларини ўзгартириш, мултисервис тармоқларининг энг долзарб моделларини олиш учун транспорт генераторлари моделларини яратиш учун энг янги статистик маълумотлардан фойдаланиш керак. Ҳақиқий тармоқ тармоқ трафиги генератори тармоққа уланган қурилмада (видео сервер, файл сервери, мижоз иловаси ва бошқалар) ёки тўғридан-тўғри тармоқ қурилмасининг ўзи (IP-телефон, модем ва бошқалар) ўрнатилган махсус дастур ҳисобланади. Амалий муаммоларни ҳал қилиш учун бир хил турдаги трафигини ишлаб чиқарувчи ўнлаб ёки юзлаб қурилмаларни моделлаштиришга қизиқиш бўлганлиги сабабли, моделларни яратиш учун автоматлаштириш усули қурилмалар гуруҳларини моделлаштирувчи генераторларни яратиш қобилиятини қўллаб-қувватлаши керак. NGN мултисервис тармоқларининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири хизмат сифатини таъминлаш механизмлари ҳисобланади.

Автоматлаштириш усули ушбу турдаги компонентларнинг имитацион моделларини самарали яратишга имкон беради. Хизмат сифатини таъминлаш механизми туртта асосий компонентдан иборат: трафигини таснифлаш алгоритмлари, пакетларни навбатлари, навбатларни фол бошқариш алгоритмлари ва тармоқни режалаштириш алгоритмлари. Қурилиш моделларини автоматлаштириш усули ушбу компонентларнинг тайёр қўлланилган фойдаланиши ва юқоридаги компонентларнинг бошқа алгоритмларини тасвирлаш учун имитацион моделини ишлаб чиқувчи учун имкониятни тақлиф қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тармоқни ортиқча юклашни назорат қилиш ва олдини олиш учун самарали алгоритмларни ишлаб чиқиш вазифалар тури долзарбдир. NGN мултисервис тармоқларининг энг муҳим тар-

кибий қисми ресурсларни захира- ралаш механизмлари ҳисоблана- ди. Ресурс захиралаш механиз- лари маълум хусусиятларга эга бўлган туннел тармоқ трафиги (LSP) оқимларини таъминлаш учун хизмат кўрсатиш сифати- ни таъминлаш механизмларини бошқаради.

Тармоқнинг динамик тузили- ши трафик оқимлари ва LSP каналларини аниқлайди. Тармоқ- да транспорт оқимларини тақ- симлашнинг турли хил вариан- тларини имитацион қилиш учун симуляцияни автоматлаштириш усули турли хил оқимлар ва LSP учун тармоқ тугунлари занжир- ларини ўрнатишга имкон бера- ди. Имитацион моделларини қуришни автоматлаштириш усу- ли NGN мултисервис тармоқла- ри таркибий қисмларининг тай- ёр имитацион моделларини ва тармоқларнинг кенг қамровли имитацион моделларини яра- тиш учун фойдаланувчи томо- нидан белгиланган компонент- ларнинг имитацион моделлари- ни бирлаштиришнинг самарали усулини ўз ичига олиши керак.

Моделнинг график вакиллик усули бир қатор камчиликларга эга: мураккаб моделларни тав- сифлаш учун ушбу ёндашувни ўлчаш, модел элементларини қидиришни амалга ошириш, тармоқнинг статик ва динамик тузилишини алоҳида тақдим этиш зарурияти ва бошқалар. Умумий мақсадли дастурлаш ти- лидан фойдаланиш моделларини яратиш жараёнини мураккаб- лаштиради ва моделни расмий- лаштириш жараёнини самарали автоматлаштиришга имкон бер- майди.

Хулоса ўрнида айтиш жоиз- ки, ушбу усул NGN мултисервис тармоқларининг имитацион мо- делларини қуришни автомат- лаштириш учун объектга мос- ланган воситага асосланган. Ушбу йўналишнинг ривожланиши си- фатида илмий муаммоларни ҳал қилиш учун симуляция модел- ларини яратиш тақлиф этилади. Масалан, хизмат кўрсатиш си- фатини таъминлаш ва ресурслар- ни захиралаш механизмларининг янги алгоритмларини ўрга- ниш, тақомиллаштириш ёки ге- нетик алгоритм билан компю- терни ўрганиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш ва ресурсларни захиралаш ме- ханизмлари алгоритмларини яратиш ва оптималлаштириш усулларини ўрганиш.

**Олимжон НОРБОВЕВ,**  
Тошкент ахборот  
технологиялари  
университети магистранти

## 12 | АЛОҚА ОЛАМИДА

## КОРОНАВИРУС

COVID-19 ГЛОБАЛ  
СМАРТФОН САВДОСИГА  
ҚАНЧАЛИК ТАЪСИР  
ҚИЛГАНИ АНИҚЛАНДИ

Global Gartner томонидан ўтказилган энг сўнгги sanoat тадқиқоти жорий йилнинг биринчи чорагидаги смартфон савдоларига эътибор қаратди. Хабарингиз бор, COVID-19 йил бошидан буён бутун дунё миқёсида катта талафотларга сабаб бўлиб келмоқда, глобал миқёсда ишлаб чиқариш ва савдолар кескин камайган.

Истеъмолчилар ҳаёт учун биринчи даражали муҳим бўлмаган маҳсулотларга бўлган харажати камайтириши боис смартфонларга бўлган талаб ҳам кескин тушиб кетган.

Шунга мувофиқ, ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, 2020 йилнинг биринчи чорагида смартфон савдолари йиллик 20,2 фоизга пасайишга учраган. Энг кўп смартфон сотган беш компания Samsung, Huawei, Apple, Xiaomi ва Oppo бўлган. Шулар орасида фақатгина Xiaomi йиллик ўсишга эришган, ammo унинг кўрсаткичлари ҳам атиги 1,4 фоизни ташкил қилади, холос.

Samsung эса биринчи чорада 55 миллион донга смартфон сотган. Вахонанки, ўтган йилнинг мос давридаги сотувлар 71 миллион донга эди. Huawei эса 42 миллион (ўтган йили 58 миллион эди) донга, Apple 40 миллион (ўтган йили 44 миллион эди) смартфон сотишга эришган. Huawei'нинг йиллик кўрсаткичи энг паст бўлса ҳам, компания сотувлар миқдори бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

“Ўз миждоғларида онлайн дўконлари орқали хизмат кўрсата олиш имкониятига эга бўлгани ва ишлаб чиқариш март ойи охирига бориб аввалги ҳолатга кела бошлагани сабабли Apple йил бошидаги ижобий кўрсаткичларни қайта тиклай олди. Компания йилни жуда ижобий бошлаган эди. Агар COVID-19 пандемияси содир бўлмаганда, Apple савдолари рекорд даражага етган бўларди. Таъминот занжиридаги узилишлар ва истеъмолчилар талабининг тушиб кетгани компаниянинг феврал ойидаги ижобий ҳолатини барбод қилди”, дея тушунтиради Gartnerнинг тадқиқотлар бўйича вице-президенти Аннетт Зиммерманн.

Huawei'нинг эса пандемиядан кейин ҳам тикланиши қийин кечади. Ишлаб чиқариш ва савдоларнинг камайиши етмагандай, АҚШнинг тақиқи ҳам компанияга катта зарба бўлишда давом этади. Хабарингиз бор, Қўшма Штатлар ҳукумати хитойлик компаниянинг Америка бизнес ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишини тақиқлаб қўйган. Шунинг учун, компания Google Play лицензиясидан маҳрум бўлган ва ўз қурилмаларини, Google хизматлари ўрнига, HMS (Huawei Mobile Services) билан жиҳозламоқда.

## БЕШИНЧИ АВЛОД

## “10 МАМЛАКАТ ИТТИФОҚИ”НИ ТУЗИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

The Times газетаси хабарига кўра, 5G ва бошқа технологияларни жорий этишнинг “муқобил йўли”ни яратиш мақсадида Лондон Вашингтонга 10 мамлакатдан иборат альянс (D10) тузиш таклифини киритди.

Мақсад бу борада Хитойга қарам бўлиб қолмаслик. Британ ҳукумати иттифоқ “Еттилик мамлакатлари” (G7), Австралия, Жанубий Корея ва Ҳиндистондан иборат бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Буюк Британия бош вазири Борис Жонсон умуман ҳар жабҳада Хитой таъсирига тушиб қолмаслик чораларини қидирмоқда. The Times хабар беришича, у мутахассисларга мамлакат тиббий ва бошқа энг муҳим стратегик маҳсулотлар билан ўзини-ўзи таъминлаши учун режа ишлаб чиқишни топширган.

## СМАРТФОНЛАР

NOKIA АТИГИ 70 ДОЛЛАРДАН БОШЛАНУВЧИ  
ИККИТА СМАРТФОН ТАҚДИМ ЭТДИ

HMD Global компанияси арзон смартфонлар ассортиментини Android 10 тизимли Nokia C5 Endi ҳамда Nokia C2 моделлари билан тўлдирди. Қизиги – буларнинг иккинчиси иккита модификацияда тақдим этилган бўлиб, нархлари ўзаро жиддий фарқланади.

## Nokia C5 Endi

Корпуси поликарбонатдан ишланган бўлиб, компаниянинг таъкидлашича, минимал вазн билан яхши ҳимояни таъминлаб беради. MediaTek Helio P22 процессорли смартфон 3/64 гигабайтлик хотирага ва microSD-карта уячасига эга.

Қурилманинг экрани 6,5 дюймлик бўлиб, аниқлиги 1600x720 пикселга тенг. Дисплейнинг томчисимон кемтигида 8 мегапикселли селфи-камера ўрнатилган. Nokia C5 Endi бош камераси учталик: 13 + 5 + 2 мегапикселли датчиклар ва фоточақноқдан иборат. Доирасимон камера блоги остида бармоқ изи сканери жойлашган.

Бу моделнинг аккумулятор

4000 мА/соатлик бўлиб, 10 ваттлик-кача тезкор қувватлана олади. HMD Global уни АҚШ бозорига 5



июндан чиқаряпти, нархи 169,99 доллар.

Компаниянинг Nokia C2 модели эса икки хил – Tava ҳамда Tennen номли икки хил модификацияда намоиш қилинди. Уларнинг ўзаро фарқи фақат корпус ранги ва нархида, бошқа барча хусусиятлари мутлақо бир хил.

Хар иккала версиядаги Nokia C2 диагонаliga 5,45 дюймлик, HD+ форматли дисплей билан чиқарилган. HMD Global уларни MediaTek Helio A22 чипсети ҳамда 2/32 ГБлик хотира билан таъмин-



лаган, яна microSD-карта ҳам қўйса бўлади. Бош камера қўшалоқ – тиккасига жойланган 8 + 2 мегапикселлик сенсорларни ва чақноқни ўз ичига олади.

## Nokia C2 Tava

Nokia C2 селфи-камераси 5 мегапикселлик бўлиб, ундаям фоточақноқ қўлланган. Олд камера эгасини юзидан таниб смартфонни блоқдан чиқариш функциясига эга, қурилмада бармоқ изи сканери кўзда тутилмаган. Аккумуляторнинг ток сиғими эса 3000 мА/соатлик.

## Nokia C2 Tennen

Энг қизиги – фақат номи ва корпуси ранги билангина ўзаро фарқланувчи Nokia C2 Tava ҳамда Nokia C2 Tennen нархларида катта фарқ мавжудлигидир! Булардан биринчиси 109,99 долларга баҳоланган бўлиб, бугундан бошлаб Cricket Wireless дўконлари ва унинг расмий сайти орқали сотилмоқда. Nokia C2 Tennen учун эса бор-йўғи 69,99 долларлик нарх белгиланган, лекин уни фақат Хитойдаги дўконларда, 15 июндан сота бошлашади.

## ИЛОВАЛАР

РОССИЯДА МИГРАНТЛАР УЧУН  
МАХСУС ИЛОВА ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Россия ички ишлар вазирлиги хоридан келиб ишловчилар учун махсус илова жорий этиш масаласини кўриб чиқяпти. Бу ҳақда “РИА Новости” ҳуқуқ-тартибот идораларидаги ўз манбасига асосланиб хабар берди.

Мазкур лойиҳага кўра, мигрантлар мамлакатга қираётганида тегишли иловани ўз смартфонларига юклаб оладилар. “Тажриба доирасида мигрантнинг рақамли профилини ҳам яратиш кўзда тутилмоқда. Унда “мигрантнинг ижтимоий ишончлилик рейтингини” акс этади”, – дейилади хабарда.

Режага кўра, илованинг ўзи ҳам “Мигрант” деб номланади ва унда мигрантнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳақидаги ахборотлар акс этади. Бундан ташқари, мазкур дастурда кишининг биометрик ва саломатлигига оид маълумотлари, судланган ёки йўқлиги ҳам киритилган бўлади.

Агар Россияга кириб келаётган мигрант бу иловани юклаб олишдан бош тортса, унинг ижтимоий ишончлилик рейтингига бу салбий таъсир кўрсатади.



## РЕЙТИНГ

APtutu МАЙ ОЙИНИНГ ЭНГ КУЧЛИ  
АНДРОИД-ФЛАГМАНЛАРИНИ  
АНИҚЛАДИ

APtutu жамоаси андроид тизимли энг кучли смартфонларнинг навбатдаги рейтингини эълон қилди. Унга Хитойдаги фойдаланувчиларнинг май ойида ушбу бенчмаркдаги текширувлари натижалари асос қилиб олинган.

Март ойи рейтингига етакчиликка эришган Oppo компаниясининг Find X2 Pro флагмани апрелдаги рўйхатнинг ҳам етакчиси бўлган эди, бу гал ҳам шохсуладан тушмаган – 604 123 балл! У билан бирга тақдим этилган “укаси” – Oppo Find X2 эса, 600 884 баллик натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни яна ҳеч кимга бермаган. Кучли учликни бу гал Xiaomi Mi 10 Pro флагмани 600 264 балл билан яқунлаб берди.

Кейинги ўринларни тегишлича Oppo Ace 2, iQOO Neo 3, Redmi K30 Pro Zoom Edition, iQOO 3, Realme X50 Pro, OnePlus 8 Pro ҳамда Vivo NEX 3S 5G моделлари банд этишган.

Айтиш керакки, ТОП-ўнталик фақатгина Qualcomm Snapdragon 865 процессорли флагманлардан иборат – рейтингда Huawei компаниясининг ёки унга қарашли Honor брендининг бирорта ҳам модели йўқ. Шунингдек, рўйхатда Samsung компаниясининг Galaxy S20 туркуми флагманларини ҳам учратмаймиз.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

# АҚШда ЗҲРАВОНЛИКЛАР: ЕВРОПА НЕГА СУКУТДА?

“Европа дунёнинг турли бурчакларида норозилик намоишлари учун икки томонлама стандартларни қўллайди”, деб ёзган Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф ўз твиттериди. У АҚШдаги намоишчилар ва оммавий ахборот воситаларининг шафқатсиз полиция томонидан тазйик қилинишини таъкидлаган.

Эрон ташқи ишлар вазири ғарбий бўлмаган давлатлардаги намоишлар ҳақида шошилч хулосалар чиқаришга одатланган европаликларни АҚШдаги зўравонлик саҳналари ҳақидаги “карахт” сукутатни бузишга чақирди. Унинг сўзларига кўра, ўтган ҳафта Миннеаполисда оқ полиция ходими қуролсиз афро-америкалик Жорж Флойднинг шафқатсизларча ўлдиригандан кейин Америка шаҳарлари намоишчиларга ва матбуотга нисбатан шафқатсизлик майдонига айланди. “Ғарбий бўлмаган жамиятларга нисбатан тезда судяга айланган Европа энди сукут сақламоқда. Агар Европа ҳозир озгини ёпишни ис-



таса, ҳар доим шундай тутиши керак”, деб ёзди Эрон ташқи ишлар вазири.

## Дерек Чавен 40 йилгача қамалиши мумкин

Собиқ полициячи Дерек Чавенга ўлдирилган афро-америкалик Жорж Флойд иши бўйича қўйилган айблов оғирлаштирилди. Хабар беришларича, энди уни иккинчи даражали қотиллик-

да айблашяпти. Миннесота маҳаллий қонунларига кўра, у айбдор деб топилса, 40 йилгача қамалиши мумкин, деб ёзмоқда CNN.

Эслатиб ўтамыз, қўлга олиш чоғи юзтубан ётган Флойднинг буйинини айнан Чавен оёғи билан босиб турган, кейинчалик Флойд касалхонанинг жонлантириш бўлимида оламдан ўтган эди. Воқеа видеоси интернетда тарқагач, АҚШнинг қўллаб-қувватлаши оммавий тартибсизликлар юзга келди.

## Жорж Флойд қуролсиз эди

Жорж Флойднинг ўлдирилишига қарши бошланган тинч намоишлар кўп ҳолларда зўравонлик тусини олмақда. Президент Трамп эса Жоржнинг ўлимини “жуда ёмон нарса” деб атади, аммо тизгинни оломан қўлига бериб қўймаглигини таъкидлади.

Ушбу намоишлар кўпроқ АҚШ полицияси зўравонлигига қаршими ёки ирқчиликни ургулайдими? Миннеаполис мэри ва полиция бошлиғи афро-америкаликнинг ўлимини ҳеч қанақасига оқлаб бўлмаглигини таъкидлаб, бу ирқий камситиш оқиба-тида юз берган қотиллик дейишган.

“Мен қора танли америкалик сифатида даҳшатга тушяпман”, – дейди Кайла исмли намоишчи қиз. “Эрталаб уйғонсам-да, шунчаки терим ранги туфайли мени ўлдиришларидан қўрқувга тушсам, бунни қандай тушуниш мумкин”, – дейди аралаш ирқ вакили Изабелла. Дулче исмли намоишчи эса Америка Қўшма Штатлари зуваласи қорилган ва ирқчилик энг шафқатсиз тарзда юз кўрсатган яқин тарихга мурожаат қилди. “Унинг ўрнида мен ҳам бўлишим мумкин эди. Демак, бу тузум 300 йилдан бери мени қўлламайди”.

## Тўқаев: Қозоғистонда Қрим ёки Донбасс сценарийси такрорланмайди

Бу ҳақда Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаевнинг “Комсомолская правда”га берган эксклюзив интервьюсида айтилди. Баъзи экспертлар Қозоғистонда Қрим ёки Донбасс сценарийси такрорланиши мумкинлиги ҳақида “баҳорат қилишмоқда”.



“Сохта мутахассисларнинг бундай прогнозлари жиддий асосга эга эмас. Аксинча, улар Қозоғистондаги вазиятни издан чиқаришга ва давлатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва иттифоқчилик муносабатларига путур етказишга мўлжалланган. Бундай баҳоратларни фақат қобилиятсиз одамлар, бошқаларнинг овози билан қўшиқ қўйлайдиган ёмон одамларгина айтишлари мумкин”, – деди Тўқаев.

## Қатар Фаластин ерлари аннексиясини тан олмайди

Қатар ташқи ишлар вазири Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Сони мамлакат раҳбарияти Исроилнинг Ғарбий соҳилни аннексия қилишни қўзловчи ҳеч бир ташаббусини қабул қилмаслигини ва Фаластин халқини қўллаб-қувватлашни давом эттиришини маълум қилди.

“Анадолу” хабарига кўра, вазир Ал-Сони Қатар охириги саккиз йилда Фаластинга 1,2 миллиард доллар кўмак кўрсатганини ва ёрдамлар давом этишини айтган. Хусусан, охириги 150 миллион доллар ёрдамнинг бир қисми коронавирусга қарши курашга йўналтирилган. Қатар ташқи ишлар вазири аниқса пандемия шароитида Фаластин халқини қўллаб-қувватлашнинг муҳимлигини таъкидлади. “Босқинчи Исроилнинг ҳаракатлари туфайли бу муаммо фаластинликлар учун янада қийин ҳолатга келди”, – деди у.

Эслатиб ўтамыз, Исроил ҳукумати 1 июлда Иордан дарёси ғарбий соҳилининг бир қисмини ўз ҳудудига қўшиб олмақчи. Бу ҳудудни 1967 йилда босиб олган.



## Ниқобини ечган вазир жарима тўлади

Ижтимоий тармоқларда Руминия бош вазири Людовик Орбан ўз ишчи хонасидаги стол атрофида бир неча вазирлар билан ўтиргани ва сигарет чекаётгани акс этган сурат пайдо бўлгандан кейин баҳслар авж олган. Бундан ташқари, хонадаги бошқа одамлар ҳам ниқобсиз бўлган. Суратда ниқоблар стол устига қўйилганини кўриш мумкин.

Орбан қондан бузганини тан олган ва у 25 майда 57 ёшлик таваллуд қуни иш вақтидан кейин ҳукуматнинг баъзи аъзолари билан бирга хонасида йиғилишганини маълум қилган. Орбан қонун бузилса, бунинг учун жазо муқаррар бўлиши кераклигини айтган.



Руминияда 15 май қуни тугаган 60 кунлик карантиндан кейин Орбан ҳукумати 30 кунлик юқори хавф тартиби амал қилишини белгиланган эди. Бу тартиб вақтида жамоат транспорт ва бошқа жамоат жойларида ниқобларни тақий шарт қилиб қўйилган. Боз устига, мамлакатда 2016 йилдан бери жамоат жойларида сигарет чекиш тақиқланган.

## Дунё коронавирусга Ибн Сино усулида курашмоқда

Ҳозирда жаҳон миқёсида кенг қўлланаётган эпидемияни чеклаш усули – карантин буюқ олим ва мутафаккир Ибн Сино томонидан ўйлаб топилган ва илмий асослаб берилган. Бу ҳақда Туркиянинг TRT давлат телерадиокомпанияси алоҳида мақола чоп этди.

“Дунё коронавирус пандемиясига дучор бўлган бир пайтда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти юқумли хасталиклар тарқалишининг олдини олиш мақсадида касалликнинг одамдан одамга юқишига қарши курашишда Ибн Сино ихтиро қилган карантин усулидан фойдаланишни талаб қилди”, – дейилади мақолада.

## Тунисда тана ҳарорати дронлар ёрдамида ўлчанади

Тунис ҳукумати COVID-19 вируси билан боғлиқ вазиятни назорат қилиш учун учувчисиз учар жисмлардан фойдаланишга қарор қилди, дея хабар берди мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги. Фуқароларнинг тана ҳароратини ўлчаш учун ҳарорат сенсорлари билан жиҳозланган тўртта дрон эпидемиологик вазиятни назорат қилишга ёрдам беради, дейилади муассасанинг Facebookдаги хабарига.

Сешанба қуни мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги яна пайдо бўлган касалликни мониторинг қилиш миллий маркази билан қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик вазирлиги ўртасида тегишли келишув имзоланди. “Янги коронавирусни мониторинг қилиш ва олдини олиш миллий режасини қўллаб-қувватлаш мақсадида фуқароларнинг ҳароратини ўлчаш учун тўртта учар жисмдан фойдаланиш тўғрисида келишув имзоланди, – дейилади хабарда. – Келишув Соғлиқни сақлаш вазирлигининг COVID-19 эпидемиясига қарши курашда фуқаролар ҳароратини кенг миқёсда ўлчаш орқали қўллаб-қувватлаш учун дрон ва ҳарорат сенсорларидан фойдаланишни назарда тутди”.

Бундан ташқари, дронлар қарнай билан жиҳозланган бўлиб, унинг ёрдамида аҳоли эпидемиологик хавф-хатардан огоҳлантирилиши ва профилактик қоидаларга амал қилишга чақирилиши мумкин.

Айни вақтда мамлакатда 1087 кишида коронавирус қайд этилган, 965 киши тузалган, 49 киши вафот этган.

Интернет материаллари асосида  
У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

## 14 МУТОЛАА

Нодар ДУМБАДЗЕ



(Давоми. Бошланиши ўтган саонда.)

... Бизнинг Кўппагимиз ҳам кун бўйи дарчадан ташқари чиқмади. Ҳеч нарса емади, хурмади. У бобомнинг оёқлари остида ҳорғин чўзилиб ётарди. Кўтарилиб тушиб турган қорини айтмаса, уни ўлган деб ўйлаш ҳам мумкин эди.

Кечга яқин яна Бадриа пайдо бўлди.

– Салом, Спиридон ота! – сўрашган бўлди у. – Одамлар сиздан хафа. Кеча уйингизда ўқ отилмаганмиш.

– Нега уйимда ўқ отиларкан? – ўзини билмаганга олди бобом.

– Спиридон ота, битта итни деб одамларнинг кўнглини қолдирманг. Итингизни ўлдириб. Бизнинг итларимиз ҳам сизникидан яхшироқ эди, воз кечдик-ку? Одамлардан ажралиб қолмоқчимсиз?

– Йўқ, Бадриа, ўлсам тобутимнинг устида ҳатто ит ҳам увилламайдиган аҳволда қолмай деяпман-да.

– Менга қаранг, – деди дафъатан Бадриа тутақиб. – Агар итингиз қутуриб, болаларимдан бировини тишлайдиган бўлса, уйингизни ер билан яксон қилиб кетаман.

Гарчи олақоронги бўлса-да, бобомнинг ранги қанчалик оқариб кетганини илғадим.

– Менга қара, мишиқи, – деди у овози титраб. – Тилингни тий, бўлмаса, қуруқшаган суякларимни уйингнинг гулханида иситишга мажбур бўламан.

Бадриа индамай уйига кетди. У нима деб ўйлаганини билмадим-у, унинг ўрнида мен бўлганимда, кечаси билан мижжа қоқмаган бўлардим. Чунки бобом шу пайтгача айтганини қилмасдан қолмаган.

... Ярим кечаси ҳовлимизнинг нариги бурчагидан иккита ўқ овози ва итнинг ақиллаши эшитилди. Урнимдан сапчиб турдим-у, милтиқни олиб, ўқ отилган тарафга ошиқдим. Кимдир ўзини буталар панасига олди. Кейин қочиб бораётган одамнинг қадам товушлари қулоққа чалинди.

Кўппак четан девор тагида ётганча, заифгина ғингширди. Уни аста кўтариб уйга кирдим. Бобом мойчиқорни ёққан, эчки пўстаги устида ўтирарди. У Кўппакнинг ярасини спирт билан артиб, тамаки қўйиб боғлади.

– Унча кўрқинчли эмас, – деди бобом. – Ўқ суякка тегмабди. – Кейин итга ўғирилди. – Ким сени бу аҳволга солди, жонивор? Ит бошини қуйи солди.

– Билади, – деди бобом. – Лекин гапиролмайди, бечора.

Кейин у итни балконга олиб чиқишимни буюрди. Бизнинг уйимиз тепалиқда жойлашганди. Бобом айна пайтда балкондан худди қишлоқни илк бор кўраётгандек сер соларди. У анча пайт жим тургач, менга ўғирилди.

– Болам, чиндан ҳам, битта итни деб қишлоқдошларни ранжитиш ярамайди. Милтиқни ол, Кўппакни ҳам қишлоқдан ташқарига олиб чиқ. Фақат ўқ овозини эшитмасан бўлди.

Титраб кетдим. Аммо шу пайтгача бобомнинг гапини икки қилмагандим. Милтиқни елкамга илдим. Кўппакнинг занжиридан еталақладим. Кўппак нажот қутгандек бобомга қараб мўлтиради. Бобом эса йиғлаб юбормаслик учун юзини терс ўғирди.

Биз қишлоқни кесиб ўтиб, катта йўлдан дарё қирғоғига олиб тушувчи сўқмоққа қайрилдик. Кўппак итоткорлик билан бошини эгганча ортимдан лўқиллаб келарди.

Дарё бўйига етганимизда, Кўппакнинг бўйнидаги арқонни ечиб, каттакон тош устига ўтирдим. Юзимдан совуқ тер қуйилар, юрагим гурс-гурс тепарди. Бироз тинчлангач, елкамдаги милтиқни қўлга олдим. Шу пайтда Кўппакнинг маъсум, муте нигоҳлари билан тўқнашдим. Беихтиёр кўзларимни олиб қочдим ва милтиқдан гилзаларни чиқариб, сувга улоқтирдим.

Елкамдан тоғ ағдарилди гўё. Шу пайт Кўппак югуриб олдимга келди ва қўлларини ялади. Кейин эса ўзини сувга ташлаб, шаталоқ отганча, атрофга сув сачрата бошлади. Сўнгра қирғоққа чиқиб, қум устида янганди. Унинг оёғидаги яраси



# ҚУППАК

(Ҳикоя)

қонталаш бўлиб турар, кўзлари ёшланган, бироқ... у куларди. Ҳа, ишонаверинг, Кўппак қувончдан хандон отаётганди.

– Менга қара, Кўппак, – дедим унга қараб. – Энди бор! Умуман овозингни ҳам чиқармасликка ҳаракат қил. Одамларни қувма, уларга ташланма, қолма, умуман улардан нари юр! Бўлмаса, улар сени ўлдиришади. Қишлоққа қайта кўрма. Биздан рози бўл, Кўппакжон!

У мени тушундими-йўқми, билмадим. Лекин мен ортимга бурилганимда, у ҳамон жойида турарди.

– Хўш? – сўради бобом. Мен индамай, милтиқни олиб бобомга узатдим. Бобом милтиқ магазинини очиб кўрди. Кейин менга қараб, маъюс кулимсиради:

– Ўғлим, бунақа феълинг билан ҳаётда кўп қийналасан!..

... Бир ҳафта ўтиб, шоқол Эквтимэ Сирадзенинг эчкисини бўғизлаб кетди. Кейин кимдир Аслан Тааберидазенинг омборидан ўн пуд донни ўмарибди. Яна бир куни Бердзенишвилининг сигири ҳовлимизга кириб, янги ўтқазилган кўчатларни синдириб кетди. Унинг кетидан Нина холанинг сигири билан Сипито амакиннинг новбоси исзис йўқолди...

Одамлар саросимага тушиб қолди. Ҳамма бир-биридан норози. Ҳатто бири-бирини бўралаб сўкканлар ҳам бўлди.

15 октябр куни роса кучли жала қўйди. Сел дарё қирғоғидаги тегирмонларни оқизиб кетди. Фақат Горабережоулидаги битта тегирмон омон қолди. Эртаси куни бобом мени ўша ёққа жўхори тортиб келгани жўнатди. Кечга яқин тегирмондан чиққан бир қоп жўхори унинг орқалаб кетмоқчи бўлганимда, бусағада Кирилл Мамаладзе пайдо бўлди. У тегирмончи билан саломлашди. Менга эса унча эътибор ҳам қилмади.

– Ўғлингиз тузалиб қолдими? – деб сўрадим Мамалаздедан.

– Ўғлимга нима қипти? – ажабланди у.

– Ит тишлаб олди дегандингиз-ку?

– Ҳ-а-а! Тузалиб кетди. Ит қутурмаган экан. Докторлар текшириб қуриб айтишди.

– Қутурмаган экан?! – турган еримда қотиб қолдим. – Сиз... Улар... Сиз одам эмас экансиз! – шундай дея унинг жавобини кутмай, ортимга қайрилдим.

Эртасига бу ҳақда бобомга айтсаммикин, деб кун бўйи ўйладим. Кейин бу фикримдан қайтдим. Нима фойдаси бор? Қопни ерга ташладим.

18 октябрда бобом ётоғидан чиқмади.

20 октябрда мендан уйда қолишни илтимос қилди.

25 октябрда бобомнинг қўл-оёқлари шишди.

27 октябрда у мени қақариб, қўлимга омборнинг калитини тутқазди.

28 октябрда мени олдига ўтқазиб, васият қилди.

– Болам, вақти-соатим етган кўринади. Сен кўрқма. Мен ҳаммага тешинг ёнингда

бўламан. Фақат уйимизни ташлаб кетмасанг, чирогимизни ёқиб ўтирсанг, бўлгани. Ҳали уруш тугайди. Отанг қайтиб келади. Аниқ биламан – у тирик. Эртага омонатимни топшираман. Фақат сен кўрқма. Ҳамма ишни қўшнилар қилишади. Фақат уйимизда аёл киши йўқлиги қотоқ-да! Ортимда дод солиб йиғлайдиганим йўқ.

Тонгга яқин бобомнинг жони узилди. Менинг меҳрибон бобожоним! У мени ташлаб кетди. Оёқланг кўчага югурдим. Совуқ этни жунжиктирарди. Тўғри қаршимиздаги ҳовлининг эшигини қоқдим.

– Маргалита!

Аваллига ҳеч ким жавоб бермади.

Икки-уч қақирганимдан сўнг ичкаридан аёл кишининг уйқусираган овози келди. Бироз ўтиб, қўшнимизнинг катта қизи Маргалита кўзини уқалаб қилди.

– Тинчликми? – сўради менга қараб.

– Ҳалиги... бобом улиб қолди. Уйимизда дод солиб йиғлайдиган аёл киши йўқ, Илтимос...

Маргарита индамай, ортимдан эргашди...

Бобомни 1943 йил 4 ноябрь куни дафн қилишди. Маросимда атроф-жавонидан одамлар ёпирилиб келди. Ҳар бир қишлоқдан биттадан аёл гўянда келиб, роса чуввос кўтаришди. Кўшни хотинлар ҳам чапак чалиб, дод солиб йиғлашди:

– Вой, парихатгина набирангизни

кимларга ташлаб кетдингиз, отагинам-м-м!

Балкон ҳам, ҳовли ҳам, ҳатто кўчамиз ҳам одамларга тўлиб-тошганди. Шунда кутилмаган ҳодиса юз берди. Дафъатан тумонат одам иккига ажралиб, ўртада кичик йўлак ҳосил бўлди. Ундан жунлари лойга беланган Кўппак оғир қадамлар билан бобомнинг тобути турган хонага йўл олди... У олд оёқларини тобут устига қўйди-да, шу тахлит қотиб қолди. Тобутда юзида ним табассум билан ётган бобомнинг юзларига тикилиб, худди ёш боланинг йиғисига ўхшаш оҳангда ғингшиди. Оломон орасидан кимдир "Худога шукур-ей" деб юборди. Мен ҳам ўзимни туттолмай йиғладим.

Шу пайт яна бир мўъжиза юз берди. Хонага Бадриа кириб келди. У итни кўриб ранги оқарди. Бироқ тезда ўзини қўлга олиб, мен тарафга юрди. Ҳамдарлик билдириш учун елкамга қўлини босган пайтда ит унга қараб ириллади. Кейин кўзлари ёниб, ақиллашга тушди. Бадриа ўзини менинг оркамга олди.

– Анавинга қарасанг-чи? Мен... мен ҳол сўрагани чиқдим, холос. Мен Кўппакни тинчлантирарканман, бобомнинг гапларини эсладим: "Билади. Фақат гапиролмайди бечора..."

– Кетинг, бу ердан, – дедим Бадриага қараб.

... Ўша оқшом Кўппакнинг таниш овози қишлоғимиз бўйлаб ёйилди.

Рус тилидан Рустам ЖАББОРОВ эркин таржимаси

Шакар стратегик озиқ-овқат ҳисобланиб, унинг хавфсизлигини таъминлашга барча давр ва давлатларда сиёсат даражасида қаралган. Шакар бўйича ўзга бир давлатга тобе бўлмаслик учун имконияти бор ҳар бир давлат ўз заводларига эга бўлишга интилади.

Кудратли давлатлар ушбу стратегик озиқ-овқат бўйича кучсиз давлатларни синдириш устида йиллаб иш олиб бориб, узоқ режалар тузишган. Бизнинг тилда айтганда, “йўл харитаси” тузилиб, босқичма-босқич амалга оширилади. Чунки бошқа ҳеч бир нарса ўрнини боса олмайдиган шакар ортдан кимлардир астрономик даражадаги рақамларда даромад олиши мумкин. Уларни эса бутун бошли бир давлат аҳолисининг тақдири қизиқтирмайди.



# НАВБАТ ЎЗБЕКИСТОНГАМИ?

## Қўшнилари шакар заводлари касодга учраб бўлди

Давлатлар ўртасида ушбу озиқ-овқат ҳукмронлиги бўйича кураш азалдан бўлган. Ҳозир ҳам давом этмоқда. Ваҳоланки, тўхтамайди ҳам.

Бу курашда кимлар ғолиб, кимлар мағлуб бўлганини ўша давлатлардаги шакар ишлаб чиқарувчиларнинг аҳолидан билиб олиш мумкин.

Узоққа бормаёлик, атрофимиздаги қўшниларидаги аҳволга бир назар солайлик.

Озиқ-овқатлардан бири бўлган шакар борасидаги асл мақсадини биргина рақам очиб беради. Яъни, Россиядан тайёр шакар олинса, ҳар бир тоннага 80 АҚШ доллари миқдорида бож жорий этган. Россия худудидан олиб ўтиладиган шакар хомашёсидан эса бир тонна учун 180 доллар бож ундирилади. Тайёр шакар билан хомашё ўртасидаги 100 долларлик тафовутнинг ўзи Россиянинг шакар бўйича монополистика уринишини яққол кўрсатиб турибди.

Этибор қилган бўлсангиз, нархлар жадвалида арзонлиги бўйича Қозоғистон Ўзбекистондан кейинги ўринни эгаллаган. Айни дамда Қозоғистондаги шакар заводлари батамом касодга учраб бўлганлигини аниқлаган Россия Қозоғистон учун шакар экспорти нархини 25 фоизга кўтариб юборди. Яъни, Қозоғистонда шакар бундан буён 275 тенге (6875 сўм) этиб белгиланди. Қозоғистон этиборсизлик оқибатида шакар заводларини бой берганини англаб етгач, ЕОИИга аъзо бўлишига қарамай, Россия шакарларига божларни кўтариш орқали ўзининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини ҳимоялашга ўтган.

Шакар бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги курашида Ўзбекистон қўшниларида фарқли ўлароқ, анча вақт чидаб келди. Энди эса чидашнинг имкони қолмапти. Чунки маҳаллий бозорларимизни Россия шакарлари эгаллаб бўлди.

Жорий йилнинг 3 апрел куни Президентимиз “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тarmoқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни имзолади. Унда бир қатор озиқ-овқат маҳсулотларига 2020 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистонга олиб киришда божхона бож ва акциз солигининг нол ставкалари белгиланган.

Йил охирига қадар Ўзбекистонга ҳеч қандай божхона божисиз ва акциз солиғисиз олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатида тайёр шакар ҳам киритилган.

Энди юртимиздаги мавжуд “Ангрен шакар” ва “Хоразм шакар” МЧЖлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар омборларда қолиб кетмоқда. Бу эса корхоналар фаолиятини тўхтатишидан далolat. Ушбу икки корхонада фаолият юритиб келаётган 2000 нафар

ҳодим ишидан айрилиш баробарида бир йилда давлат газнасига тушаётган турли кўринишдаги 198 миллиард сўмлик солиқлар ҳам йўқ бўлади.

Хавфли томони, стратегик озиқ-овқат ҳисобланадиган шакар маҳсулоти бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги издан чиқиб, ўзга давлатга тобелик юзага келади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан импорт ўртасидаги катта тафовут ўз вақтида бартараф этилмаса, шакар маҳсулоти бўйича соғлом рақобат бузилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Рақобатдаги мувозанат бузиладиган бўлса, мустақиллик бошларидаги шакар бўйича муаммолар яна қайта бошланмайдими?

Бир замонлар “шакар васваси”, “шакарга навбатга туриш” деган гаплар халқ орасида бежизга оммалашмаган.

Бугун ташқаридан келадиган тайёр шакарга қарши маҳаллий рақобатчиларимизни сақлаб қола олмасак, ички монополист ўрнини ташқи монополист шафқатсизларча эгалламайдими?

Қиммат машина сотиб олмаслигимиз мумкин, қиммат авиакомпанияда эмас, оддий поездга кўникармиз балки. Аммо ташқи шакар монополиясига чидаш анча қийин бўлади. Яқин ўтмишдаги талонга шакар олишлар яна тақдорларини ҳеч ким хоҳламайди.

Этибор қилинг, ҳаттоки неча йиллардан буён тинчлик нималигини билмайдиган қўшни Афғонистон ҳам ўзининг шакар заводига эга. Бу эса маҳаллий аҳолини шакар билан беминнат таъминлаш қанчалик муҳимлигига ишора.

Яна қайтариб айтман, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизни назорат қилишимиз ва ундан талаб ҳам қилишимиз мумкин, аммо ўзга давлат монополистларидан ҳеч нарсани талаб қилиб бўлмайди.

Шерали ОТАБОЕВ

### ЭСЛАТМА



Эслатма: Муаллиф ўртага ташлаётган айни масала тахририят нуқтаи назарини аниқламайди.

Давлатлар	1 кг. нархи	Сўмга ҳисоблаганда
Россия	30 руб	4230 сўм
Қирғизистон	46,88 сом	6100 сўм
Тожикистон	7 сомони	6907 сўм
Қозоғистон	220 тенге	5430 сўм
Туркменистон	Шакар аҳолига талон бўйича берилди	
Ўзбекистон		5360 сўм

Шакар бўйича қайси давлат гегемонлигини юқоридаги жадвалдан билиш қийин эмас.

Ен кўшимиз Қозоғистондаги мавжуд учта шакар заводи айни вақтда банкротликка учраб, фаолиятини тўхтатган. Тожикистонда шакар қўшнилари нисбатан энг қиммат ҳисобланса, Туркменистонда эса жуда тақчиллиги боис талон билан чекланган миқдорда берилди.

Қирғизистондаги иккита шакар заводи ҳам касодга учраб бўлди. Ҳаттоки, ушбу шакар заводларининг раҳбарлари Ўзбекистондаги ҳамкасбларига иккита заводни 15 миллион АҚШ долларига сотиш таклифи билан чиқишган. Аммо сотиб олишнинг умуман имкони йўқ. Чунки ўзимиздаги мавжуд иккита шакар заводи ҳам банкротлик остонасида турибди.

Санкция туфайли Россиянинг шакар омборлари тўлиб бўлган. Энди эса улар қўшни давлатларнинг шакар бозорларини эгалламоқда. Аниқроғи, Россия Марказий Осиё давлатларидаги шакар ишлаб чиқарувчиларини банкрот қилиш эвазига ўзининг касодга учраган шакар заводларини оёққа турғизиш илинжида ҳаракатни бошлаб юборган. Россиянинг стратегик



## АЙФОНИНГИЗ "ҚОТИБ" ҚОЛСА...

Apple девайслари одатда яхши ишлайди, ammo улар ҳам баъзида "оғирлашиб" қолиши кузатилади. Шундай вазиятларда кўпинча айфон ёки айпадни ўчириб-ёқиш орқали муаммодан қутуламиз.

Мобил қурилмаларнинг секинлашиб қолишига аксарият ҳолларда тезкор хотиранинг ўта банд қилиб ташланганлиги сабабчи бўлади. Буни бартараф этиш учун эса iPhone ёки iPadни ўчириб-ёқиш шарт эмас, балки тезкор хотирани тозалаш ҳам кифоя.

Бунинг эса осонгина йўли бор (фақат мазкур усул iPhone X моделида ишламайди) ва у куйидагича:

**1-қадам:** iPhone ёки iPadни блокировкадан чиқарасиз.

**2-қадам:** Девайсни ўчириш-ёқиш тугмачасини босиб, токи "Ўчириш" ("Выключить") слайдери чиққунча қўйиб юбормасдан ушлаб турасиз.

**3-қадам:** Қурилманинг "Уйга" тугмачасини босиб, 5-20 сония давомида, аниқроғи – яна тизим экранига чиқиб қолгунча қўйиб юбормай турасиз. Бунда "Ўчириш" слайдерига тегинмайсиз.

Бўлди – энди "тишланган олмали" гаджетингиз яна тезлашиб ишлайверади!

### САЛОМАТЛИК

## ЮРАКНИ ҚУВВАТЛАНТИРУВЧИ МАХСУЛОТ АНИҚЛАНДИ

Лондон Қироллик коллежи олимларининг фикрича, печение ва чипс каби оммалашган егуликлар ўрнига бодом истеъмол қилиш эндотелий (қон томирлар ички юзаси) функцияларини яхшилайди ва ёмон холестеринни камайтириб, юрак-қон томир хасталикларини бартараф этади.



Мутахассисларнинг шу мавзудаги мақоласи European Journal of Nutrition ва American Journal of Clinical Nutrition журналларида чоп этилди.

Тадқиқотда 6802 нафар катта ёшли одам иштирок эт-

ган. Улар тўрт кунлик овқатланиш кундалигини тўлдириб

боришган. Бодом ейдиган одамлар соғлом парҳезга амал қилишиб, оксил, С витамини, клетчатка ва соғлиқ учун фойдали бошқа махсулотларни истеъмол қилишган. Шунингдек, улар транс-ёгли

кислоталар, углевод ва натрийга бой махсулотларни кам тановул қилишган. Ёнгоқ емайдиғанларга қараганда бодомни ёқтирувчиларнинг бел айланаси 2,1 сантиметрга кичик, тана вазни индекси эса квадрат метрга 8 килограмм камроқ бўлган.

Яна бир тажрибада юрак-қон томир касалликлари хавфи юқори бўлган одамлар олти ҳафта давомида бодом ёки оддий егулик истеъмол қилишган. Буни қарангки, агар истеъмол қилаётган углеводнинг 20 фоизи бодом билан алмаштирилладиган бўлса, юрак-қон томир касалликлари хавфи 32 фоизга камайар экан.

### ИРОДА

## СЕМИЗЛИКДАН ФИТНЕС-МУРАББИЙЛИККАЧА

Бир ярим йилда икки баробар озиш мумкинми? Талаба бунинг уddасидан чиқди.

Янги Зеландиянинг Уоркуэрт шаҳрида яшовчи талаба 190 килограмм бўлган. У бир ярим йилда вазнининг ярмидан қутулди. Йигит ўсимликли парҳезга ўтириб, ҳафтасига 6 кун спорт билан шуғулланди.

"Daily Mail" нашрининг ёзишича, 23 ёшли талаба Жак Робинсон болалигидан йирик жуссали бўлган. Бироқ мактабни битиргач вазнини назорат қилмай қўйган ва бир йил деганда 160 килогача семириб кетган.

2016 йил 8 апрел куни 19 ёшли Робинсон тунги сменага кетаётганда йўл четида ҳушидан кетган. Шундан сўнг у тўшакка михланиб, чидаб бўлмас оғриқларга гирифтор бўлган. Кунига ўн марта талаб ҳушидан кетарди. Мигреннинг олдини олиш учун ҳар куни 30 хил дори ичишга мажбур бўлган. Робинсон тинчланиш мақсадида пицца, шоколад, гўштли ва пишлоқли пирогларни паққос туширарди. Оқибатда вазни 190 килограммга етган. Шундан кейин унда ўз жонига қасд қилиш фикрлари пайдо бўла бошлаган.



Бир куни эрталаб тарози хато кўрсатиб, Робинсоннинг вазни ҳаддан ташқари оғир чиққан. Шундан сўнг у ҳаёт тарзини кескин ўзгартиришга ва озишга қарор қилган.

Робинсон парҳез тутта бошлади. Таомнамасини мева-сабзавотлар эгаллади. Секин-аста у спорт билан шуғулланишга киришди: дастлаб кунига бир соатдан пиёда юрди, кейин эса спортзалга ёзилиб, мураббий ёллади. Натижада у 96 килограммгача озди.

Ҳозир Робинсон бошқаларни ҳам илҳомлантириш мақсадида фитнес-мураббийликка ўқимокда. Унинг фикрича, модомики у озишга муваффақ бўлган экан, бошқалар ҳам албатта уddасидан чиқади.

### Синфдошлар

Синфдошлари билан учрашувдан қайтган эридан хотини сўрай бошлабди:

- Азаматни кўрдингизми?
- Ҳа, у аҳмоқ катта юрист бўлиб ишлаётган экан.
- Ботир-чи? У қалай?
- У тентак бош врач лавозимига кўтарилибди.
- Сардор қандай экан?
- Эҳ, у бефаҳм тадбиркорликни бошлабди!

Хотин:  
- Қачон сиз ҳам аҳмоқ, тентак, бефаҳм бўларкансиз-а...?

Ўқитувчи ўқувчисидан сўрабди:  
- Қани айт-чи, кулоқлар сенга нима учун керак?

- Ўқувчи:  
- Кўриш учун.
- Ўқитувчи:  
- Ахир, кўриш учун кўзларинг бор-ку?
- Ўқувчи:  
- Ҳа, лекин кулоқларим бўлмаса, қалпоғим юзимни бер-китиб қўяди-да...

## Xabar

### МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Бош муҳаррир Абдуғани Абдурахмонов

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нархда.

### МАЊЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-топ кўчаси, 2-уй (мўлжал: Олой бозори)  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ



### ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 24.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-657 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қороз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 4613 нусха.